

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯ

С. Б. ХЎЖАҚУЛОВ

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР
ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ШАКЛ ВА
УСУЛЛАРИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ – 2020

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Ўқув-услугий кенгаши томонидан ўқув жараёнида фойдаланиш учун тавсия этилган (2020 йил 30 апрелдаги 10-сонли баённома).

М а с ъ у л м у х а р р и р

юридик фанлар доктори, профессор А.С. Турсунов

Т а қ р и з ч и л а р:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси бўлим бошлиғи Р.Х. Наимов;
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) Ф.А. Примов.

Х 98 Хўжакулов С. Б.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг шакл ва усуллари: Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. А.С. Турсунов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020. – 94 б.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2896-сон қарори билан тасдиқланган «Ички ишлар органлари таянч пункти тўғрисидаги низом»да профилактика инспекторлари лавозимларига олий маълумотга эга, касбий, ахлоқий-руҳий ва жисмоний жиҳатдан тайёргарлик кўрган, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси шакллари ва усуллари амалда қўллаш кўникмаларига эга бўлган шахслар тайинланиши талабининг белгиланиши ҳуқуқбузарликлар профилактикаси шакллари ва усуллари мазмун ва моҳиятини чуқур ўрганиш заруратини келтириб чиқарди.

Мазкур ўқув қўлланма ҳуқуқбузарликлар профилактикаси назарияси ва амалиётида мавжуд бўлган профилактиканинг шакл ва усуллари тушунчаси, тизими, қўллаш асослари ва тартиби билан боғлиқ бўшлиқни тўлдириш, курсант ва тингловчиларнинг назарий билимларини бойитиш, амалиётчиларга аниқ тавсиялар бериш мақсадида тайёрланади.

Қўлланма юридик таълим муассасаларида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир мавзуларни ўрганишда тингловчи, курсант ва талабаларга, илмий тадқиқот ишларини олиб боришда тадқиқотчиларга, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи амалиётчи ходимларга мўлжалланган.

УДК 343.85(075.8) (575.1)

© С.Б. Хўжакулов, 2020
© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020

СЎЗ БОШИ

Истиқлолга эришгач мамлакатимиз жиноятчиликка қарши курашиш сиёсатида ўзининг мустақил позициясини шакллантира бошлади. Бу борада жиноятлар содир этилганидан сўнг айбдорларни фош этиш, уларни жазолаш, жабрланувчиларга етказилган зарарларни қоплаш, жазолар ижросини таъминлашдан кўра, жиноятларнинг олдини олган маъқуллиги эътироф этилиб, суд-ҳуқуқ соҳасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди. Жиноятларнинг олдини олиш давлатимизнинг жиноятчиликка қарши курашиш сиёсатида устуворлик аҳамият касб эта бошлади. Бу мустақиллик йилларида янги қабул қилинган қонунларда, қонунларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларда ҳам ўз ифодасини топди.

Ўтказилган ислоҳотлар натижасида милиция участка инспекторлари лавозими ўрнига профилактика инспекторлари лавозими жорий қилинди. Кейинчалик профилактика инспекторлари лавозимлари кескин кўпайтирилиб, уларнинг ваколатлари кенгайтирилди ва хизмат фаолиятлари такомиллаштирилди. Бугунги кунга келиб ҳар бир маҳаллада биттадан профилактика инспекторининг фаолият юритиши йўлга қўйилди.

2014 йил 14 май куни «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ушбу соҳада олиб борилаётган ислоҳотларни навбатдаги босқичга олиб чиқди. Негаки, қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ўрни ва аҳамияти, мақсад ва вазифалари, субъектлари ва уларнинг ваколатлари, умуман олганда, давлатнинг, жамиятнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги позицияси ўзининг аниқ ва қатъий ифодасини топди.

Мазкур қонун амал қилиш доираси билан кенг ҳажмга эга бўлиб, ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий каби бир қатор соҳаларга оид муносабатларни тартибга солишга йўналтирилди.

Шундан сўнг, ушбу соҳадаги фаолият доираси янада кенгайди. Эндиликда, жиноятларнинг олдини олиш ёки профилактикасини эмас, балки ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш белгилаб олинди. Чунки, қонун билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тўлақонли

механизми ўз ифодасини топди. Бошқача қилиб айтганда, «хуқуқбузарлик» тушунчаси доирасида қамраб олинувчи жиноят ва маъмурий хуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларнинг ғайриижтимоий хуқуқ-атворга эгаллиги пайтиданок қайси турдаги профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирларининг қўлланилиши, хуқуқбузарликнинг содир этилишида жабрланувчининг айбли ёки айбсиз ҳолатлари, уларнинг виктимлигини олдини олиш, хуқуқбузарлик содир этган шахсларни ахлоқан тузатиш, бу борада умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактик чораларни қўллаш фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш механизми яратилди. Ушбу йўналишда ҳукуматдан то энг қуйи бўғин бўлмиш маҳалла идоралари ва ҳаттоки, оддий фуқароларгача бўлган субъектлар тизими ўртасида хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида вазифалар тақсимланди ва қатъий ифодасини топди.

Бироқ кутилган натижага эришиш қийин кечди. Шу боисдан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2833-сон қарорида хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи давлат органларининг иш шакли ва услублари, энг аввало ахборот-коммуникация технологияларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги, давлат идоралари аксарият ҳолларда хуқуқбузарликлар профилактикасини фақатгина хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси сифатида баҳолаб, оқибатда ушбу фаолиятга лозим даражада эътибор қаратмаётганлиги, шунингдек хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларнинг аниқ манзилга йўналтирилмаганлиги ва уларга комплекс ёндашилмаётганлиги, шунингдек хуқуқбузарликларнинг тизимли равишда содир этилишига доир сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш самарадорлиги мавжуд эмаслиги кутилаётган натижаларни бермаётганлиги танқид остига олинди¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сон «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори // URL: <http://www.lex.uz>.

Мазкур танқидий ёндашув Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2896-сонли қарори билан тасдиқланган «Ички ишлар органлари таянч пункти тўғрисидаги низом»да профилактика инспекторлари лавозимларига олий маълумотга эга, касбий, ахлоқий-руҳий ва жисмоний жиҳатдан тайёргарлик кўрган, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси шакллари ва усулларини амалда қўллаш кўникмаларига эга бўлган шахслар тайинланиши талабининг белгиланишига асос бўлиб хизмат қилди.

Модомики, «ҳуқуқбузарликлар профилактикаси шакллари ва усулларини амалда қўллаш кўникмаларига эга бўлиш» профилактика инспекторлари лавозимига тайинланадиган ходимларга қўйиладиган асосий талаблардан бири экан, унда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси шакллари ва усулларининг мазмун ва моҳиятини чуқур ўрганиш зарурати келиб чиқади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг усул ва шакллари илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилиш ҳамда уларнинг назарий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқаради. Бироқ, айти пайтда, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амалиёти ва қонун нормаларининг илмий-амалий таҳлили ҳуқуқбузарликлар профилактикаси усул ва шакллари илмий-ҳуқуқий асослари етарлича яратилмаганлигини намоён этди.

Шу боисдан, мазкур ўқув қўлланма ҳуқуқбузарликлар профилактикаси назарияси ва амалиётида профилактиканинг шакл ва усуллари тушунчаси, тизими, қўллаш асослари ва тартиби билан боғлиқ бўшлиқни тўлдириш, курсант ва тингловчиларнинг назарий билимларини бойитиш, амалиётчиларга аниқ тавсиялар бериш мақсадида тайёрланди.

Ўйлаймизки, қўлланма ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ўрганувчи тингловчи, курсант ва талабалар, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси муаммоларини тадқиқ этувчи изланувчилар, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи амалиётчи ходимларнинг мавзуга оид билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

I БОБ. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИГ ШАКЛЛАРИ

1-§. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг шакли тушунчаси ва турлари

Ҳар қандай фаолият ўз олдига қўйган мақсадига эришиш ва зиммасига юклатилган вазифалар ижросини самарали таъминлаши учун ўзига хос шакл ва усулларга эга бўлади. Шу сингари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ҳам ўзининг шакл ва усулларига эга. Бироқ ҳуқуқий фанларда яқин-яқингача ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти шакл ва усулларининг назарий асослари, яъни мазмуни, уларни қўллаш асослари, тартиби ва шартлари моҳияти батафсил очиб берилмаганлигини кузатиш мумкин. Назарияда ҳам, амалиётда ҳуқуқбузарликларнинг, хусусан, жиноятларнинг олдини олиш ҳақида сўз юритилганида, асосий эътибор профилактиканинг турлари ва чора-тадбирлар тизимига қаратиб келинган.

Кейинчалик бошқа ҳуқуқ соҳаларида мавжуд бўлган шакл ва усуллар аста-секинлик билан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасига татбиқ этила бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2896-сонли қарори билан тасдиқланган «Ички ишлар органлари таянч пункти тўғрисидаги низом»нинг 4-бандида «ҳуқуқбузарликлар профилактикаси шакллари ва усулларини амалда қўллаш кўникмаларига эга бўлиш» профилактика инспекторлари лавозимларига тайинланадиган шахсларга қўйиладиган асосий талаблардан бири сифатида қўйилиши, шунингдек «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси тўғрисида низом»нинг 2-бобида «қонунчиликни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикаси шакллари ва усулларини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш» Бош бошқарманинг

асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланиши эса ушбу масалаланинг аҳамиятини янада долзарблаштирди.

Бу борада мазкур вазифанинг ижросини таъминлаш юзасидан Бош бошқарма томонидан қуйидаги функцияларнинг бажарилиши қайд этилган:

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил қилиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ва идоравий ҳужжатлар лойиҳалари ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш ташаббуси билан чиқиш ва ушбу жараёнда бевосита иштирок этиш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасига замонавий криминалистик техника, ахборот-коммуникация технологиялари, криминалистик ва маълумотлар тезкор-маълумот базаларининг жорий қилинишини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси усулларини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини такомиллаштириш масалалари юзасидан ахборот-таҳлилий материаллар, обзорлар ва тавсиялар тайёрлаш;

– ички ишлар органлари фаолиятида, шу жумладан хорижий давлатларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида самарали фойдаланилаётган ижобий тажрибани ўрганиш, умумлаштириш ва ёйиш;

– олий таълим, илмий-тадқиқот муассасалари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш бўйича самарали шакл ва усулларни ҳамда ишлашнинг ягона принципларини ишлаб чиқиш.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишнинг ҳар бир шакли ўзига хосликка эга. З.С.Зарипов ва М.Ю. Кержнерлар ўзларининг тадқиқотида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини «профилактик» ҳамда «ҳуқуқ-тартибот»дан иборат икки шаклдаги фаолият нуқтаи назардан кўриб чиқишган¹. Яна айрим адабиётларда эса ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тўртта, яъни ёзма, оғзаки, кўргазмали

¹ Зарипов З.С., Кержнер М.Ю. Профилактика преступлений. – Т., 1993. – С. 26–27.

ва электрон шакли тўғрисида тўхтаб ўтилган, аммо уларнинг мазмуни ёритиб берилмаган¹.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «шакл» – «кўриниш, расм, тарз, усул» сўзлари билан изоҳланган. «Шакл» тушунчасига янада аниқроқ изоҳ берадиган бўлсак, 1) нарсанинг ташқи кўриниши, сирти қиёфаси, ифодасини; 2) маълум кўриниш, қолипдаги нарса, фигурани; 3) жисмнинг ҳолати, кўринишини; 4) мазмуннинг ифода томони, ташқи кўриниши, ифодаланишини; 5) бирор нарсани амалга ошириш йўсини, усулини англатиши ойдинлашади. Демак, шакл – маълум бир ҳодиса ёки ҳаракат мазмунининг ташқи кўриниши бўлиб, усулнинг ҳам шакли бўлиши мумкин деган, хулоса шаклланади². Айнан шунинг учун ҳам, Ҳ.Р. Алимов, А.А. Махмудов, Н.Т. Исмоиловлар давлат бошқарувида ишонтириш усули ҳар хил бўлиб, ўз ичига бир нечта шаклларни қамраб олиши ҳақида сўз юритган³.

Фалсафий адабиётларда ҳам шакл ташқи кўринишни ифодалаган. Мисол учун, моддий борлиқнинг ҳаракат шакллари: механик, физик, кийвий, биологик ва социал ҳаракатларга ажратиб кўрсатилган⁴.

Бошқарув шакллари ҳақида сўз юритган Х.Х. Бахрамов, ушбу «шаклларнинг мазмун-моҳиятини англашда «бошқарувнинг мақсади», «бошқарув функциялари», «бошқарув вазифалари», «ваколат», «компетенция» сингари тушунчаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим»⁵ деб ҳисоблайди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг шакли – бу, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фаолият, хатти-ҳаракатлар мазмунининг ташқи кўринишидир. Профилактика

¹ Криминология. Умумий қисм: ИИБ олий таълим муассасалари учун дарслик / И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова, И.Ю.Фазилов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2015. – 193 б.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.ІV. Тартибот–Шукр/Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. Ўз. Рес. ФА Тил ва адабиёт ин-ти. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. – 537 б.

³ Алимов Ҳ.Р., Махмудов А.А., Исмоилов Н.Т. Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик / Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори, профессор У. Таджиханов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2002. – 87 б.

⁴ Тураев Б.О. Фалсафа. Дарслик. М.А. Ахмедованинг умумий муҳаррирлиги остида: олий ўқув юртлари учун дарслик / Т., 2005. – Б. 196.

⁵ Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик / Н.Т. Исмоилов, Ў.Х. Мухамедов, А.С. Турсунов ва бошқ.; Ш. Т. Икромов ва И.А. Хамедов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2016. – 154 б.

шаклининг моҳиятини ёритишда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг мақсади, функцияси ва вазифаларига таяниш лозим.

Аксарият криминологик адабиётларда жиноятларнинг олдини олиш шакллари тилга олинган бўлса-да, уларнинг мазмунига ойдинлик киритилмаган. Жиноятларнинг профилактикаси бўйича аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғиботнинг оғзаки, ёзма, электрон ва кўргазмали шакллари кўрсатиб ўтишган. Айрим дарсликларда ушбу шакллар нафақат, ҳуқуқий тарғиботнинг, балки ҳуқуқбузарликлар профилактикаси турларининг ҳам шакли сифатида келтирилган¹.

Шу боисдан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси шакллари тизимини шакллантиришда профилактиканинг мақсади, функциялари, вазифалари, ўзига хос хусусиятлари ва афзалликлари, шунингдек ушбу соҳада олиб борилаётган ислохотлар ва ахборот-коммуникацион технологияларнинг тарақиётини инобатга олиш лозим ҳисобланади.

Ҳуқуқшунос олимларнинг илмий қарашлари ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амалиёти таҳлили натижаларига асосланиб ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг шакллари қуйидагилардан иборат тизимда қайд этилади:

- ёзма;
- оғзаки;
- кўргазмали;
- электрон;
- аралаш;
- назорат;
- кўриқлаш;
- қутқарув;
- белгили;
- СМС (ММС) хабар.

¹ Ички ишлар органлари профилактика хизматининг фаолияти: Дарслик / И.Исмаилов, М.З.Зиёдуллаев, Ж.С.Мухторов ва бошқ. Масъул муҳаррир Ш.Т.Икрамов. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 743.

Хуқуқбузарликлар профилактикаси шакллариининг келтирилган тизими катъий эмас, илм-фан, техника ва жамият тараққиёти ушбу тизим доирасини янада кенгайтириши мумкин. Мисол учун, яқин йилларгача хуқуқбузарликлар профилактикасида тезник назорат, жамлатчилик назорати ёки парламент назорати шакллари кузатилмас эди. Эндиликда эса профилактик таъсир кўрсатишнинг ушбу шакллари нисбатан оммалашиб, ижтимоий мақоми тобора мустаҳкамланмоқда.

Хуқуқбузарликлар профилактикасининг келтириб ўтилган ҳар бир шакли ўзининг мақсади, вазифаси, қўллаш тартиби ва шартларига эга. Профилактика субъектларининг бу борадаги билимларга эга бўлиши профилактик чора-тадбирларнинг таъсирчанлигини кафолатлайди.

2-§. Хуқуқбузарликлар профилактикасининг ёзма шакли тушунчаси, мазмуни ва қўлланилиши

Хуқуқбузарликлар профилактикасининг ёзма шакли ўзининг мақсади, вазифаси ва қўлланилиши билан профилактиканиннг бошқа шаклларида фарқланади.

Аҳоли (бир ёки бир неча шахс)га муайян тил ва алифбода ёзилган сўз бирикмалари орқали хуқуқбузарликлар профилактикасига доир маълумотларни етказиш орқали профилактик таъсир кўрсатиш, шунингдек хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ёзма шаклдаги профилактиканиннг мақсади ҳисобланади.

Қуйидагилар хуқуқбузарликлар профилактикаси ёзма шаклининг вазифалари ҳисобланади:

- ёзма маълумотлар асосида профилактик таъсир кўрсатиш;
- профилактик мазмунга эга маълумотларни барчага бирдай тушунарли, оддий, равои тилда баён этиш;

– ёзма равишда тақдим этилган профилактик мазмунга эга маълумотлар орқали шахсларда тушунча, билим ва кўникмаларни шакллантириш;

– шахсларни айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) учун жазонинг муқаррарлиги ҳақида ёзма равишда огоҳлантириш;

– қонунда белгиланган асосларга кўра шахслардан ёзма равишда муайян ҳаракатларни бажариш ёки бажармасликни талаб қилиш (расмий огоҳлантириш) ва бошқалар.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ёзма шакли, ўз мазмунига кўра, одатда, газета ва журналларда ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитлари, содир этиш усул ва воситалари, ҳуқуқбузар шахслар ҳақида мақолалар, содир этилган ҳуқуқбузарликлар бўйича ҳикоя, қисса, очерклар чоп этиш, одамлар гавжум бўладиган жойларда ёзма эълонлар ошиш, аниқланган ҳуқуқбузарликнинг сабаб ва шароитлари, ҳуқуқбузарлик учун жазонинг муқаррарлигини, шунингдек ҳуқуқбузарликдан жабрланиш омиллари ҳақида фуқароларга огоҳлик ва хушёрликка чақиришга йўналтирилган хатлар юбориш кабиларда намоён бўлади.

Бу борада ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир қонун ва қонуности ҳужжатлар, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитлар бўйича ёзма тақдимномалар, расмий огоҳлантириш каби процессуал ҳужжатлар ҳам шулар жумласидандир.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ёзма шакли қуйидаги имкониятларни беради:

– барча учун мажбурий кучга эга қонун, қонуности ҳужжатлар, топшириқ, кўрсатма, профилактик дастур ва режаларни ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш;

– муайян ҳаракатларни бажариш ёки бажармаслик бўйича ёзма равишда белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилмаслик натижасида ҳуқуқий оқибатни келтириб чиқариш;

– маълумотларни тез ва аниқ қабул қилиш;

- шахсларга катта ҳажмдаги маълумотларни ҳам етказиб бериш;
- маълумотлардан уларни ёдда сақламасдан ҳам узоқ муддат давомида фойдаланиш ва бошқалар.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ёзма шаклини қўллашда қуйидагилар тақиқланади:

- сохта ва асоссиз маълумотларни тақдим этиш;
- имло хатоларга йўл қўйиш;
- турли маъноларда талқин этилиши мумкин бўлган сўзлардан фойдаланиш;
- профилактик мазмундаги маълумотларни аҳоли тушунмайдиган тил, шева ва жаргонда ёзиш ва бошқалар.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ёзма шакли ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир иш юритувида кенг қўлланилиб, шунингдек профилактиканинг аралаш шаклида ҳам ҳам намоён бўлади. Бу ҳақда қуйида батафсил тўхталамиз.

Демак, *ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ёзма шакли* – бу, шахсларга ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир маълумотларни ёзма равишда (қонун, қонуности ҳужжат, оммавий ахборот воситаларининг ёзма материаллари, афиша, эълонлар тахтаси, ёзма афиша кабилар орқали) етказиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир иш юритувни амалга ошириш кабиларга йўналтирилган профилактик фаолият шаклидир.

3-§. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг оғзаки шакли тушунчаси, мазмуни ва қўлланилиши

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг оғзаки шакли асосан маъруза, суҳбат, савол-жавоб, аудио ёзувли эълон ва огоҳлантирув чақириқларини эшиттириш, радиода чиқишлар қилиш, кўчалар, жамоат жойлари ва кўп қаватли уйлар атрофида овоз кучайтирувчи воситалар орқали эълонлар бериш каби профилактик чора-тадбирларда намоён бўлади.

Бу борада аудио ёзувли китоблар, Интернет ижтимоий тармоқларида тарқатиладиган аудио хабарлар, аудио дарслар кабилар ҳам шулар жумласидандир.

Оғзаки шаклда ўтказиладиган профилактик чора-тадбирларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, уларни амалга ошириш масъулият билан ёндашишни талаб этади. Ҳар бир профилактик чора-тадбирни амалга оширишда тайёргарлик кўриш, бевосита амалга ошириш, натижаларини таҳлил қилиш, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш каби босқичлар кетма-кетликда босиб ўтилиши керак.

Масалан, маъруза, одатда, бир гуруҳ шахсларга нисбатан амалга оширилади. Бунинг учун маърузага тайёргарлик кўриш босқичида қайси муаммоли масала (ҳуқуқбузарликнинг сабаб ва шароитлари, содир этилиш усули ва воситалари, ҳуқуқбузарлик ва ҳуқуқбузар шахсларнинг ижтимоий хавфлилиги, қайси тоифадаги шахслар асосан жабрланаётганлиги, жабрланиш сабаблари кабилар) аниқлаштириб олинади, маъруза ўқиладиган аудитория аъзолари (тингловчилар) чуқур ўрганилади ва уларнинг жинси, ёши, маълумоти, касби, эҳтиёж ва қизиқишлари ҳақида маълумотлар тўпланади. Шунингдек, аудиториянинг тингловчилар бўйича сифими, жиҳозланиши, техник имкониятлари ўрганилади ва шу асосда маъруза жараёнида қандай усул ва воситалардан фойдаланиш олдиндан белгилаб олинади.

Маърузани бевосита ўтказиш босқичида, аввало, мотивация, яъни тингловчиларнинг маъруза эшитишга қизиқишини уйғотиш лозим. Шундан кейин маърузага доир маълумотларни, далил ва фактларни мантиқий кетма-кетликда тингловчилар ҳукмига ҳавола қилиш мақсадга мувофиқ саналади.

Маъруза жараёнида аудитория, яъни тингловчилар доимий назоратда бўлиши, уларнинг зерикишига йўл қўймаслик, имкони борича жонли алоқа ўрнатиш керак.

Маъруза давомида, шунингдек якунида маърузачи тингловчиларни қизиқтирган саволларига имкон қадар тўлиқ жавоб бериши, жавоб беришга

вақт етмай қолганда эса саволларни ўзи билан бирга олиши ҳамда келгуси маърузаларга тайёргарлик кўриш жараёнида ушбу саволлар доирасида маърузаларни бойитиб бориши тавсия этилади.

Бозорларда ва бошқа савдо шохобчаларида, вокзаллар ва аэропортларда нарса-буюмларнинг йўқолиши ва ўғирланиши ҳамда ёш болаларнинг йўқолиб қолишининг олдини олиш, метроларда аҳолининг хушёрлигини ошириш каби мақсадларда фуқароларни доимий равишда огоҳликка чақириб турувчи аудио ёзувларни эшиттиришни йўлга қўйилиши ҳам яхши натижа беради.

Аҳоли (бир ёки бир неча шахс)га муайян тилда оғзаки равишда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир маълумотларни етказиш орқали профилактик таъсир кўрсатиш оғзаки шаклдаги профилактиканинг мақсади ҳисобланади.

Қуйидагилар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси оғзаки шаклининг вазифалари ҳисобланади:

- оғзаки маълумотлар асосида профилактик таъсир кўрсатиш;
- профилактик мазмунга эга маълумотларни профилактик таъсир остига тушувчи шахслар тушунадиган тилда тушунарли, оддий, равиш сўзлар билан оғзаки равишда баён этиш;
- оғзаки равишда тақдим этилган профилактик мазмунга эга маълумотлар орқали шахсларни огоҳликка, хушёрликка чақиритиш;
- шахсларни айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) учун жазонинг муқаррарлиги ҳақида оғзаки равишда огоҳлантириш;
- қонунда белгиланган асосларга кўра шахслардан оғзаки равишда муайян ҳаракатларни бажариш ёки бажармасликни талаб қилиш ва бошқалар.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг оғзаки шакли қуйидаги имкониятларни беради:

- аҳолининг диққат-эътиборини жалб этиш;
- энг сўнгги маълумотларни етказиш, хусусан, юзага келган хавф-хатар, ҳодиса ҳақида тезкорлик билан хабар бериш;

– маъруза, суҳбат, интервью кабиларда тезкор савол-жавобларни амалга ошириш, қўшимча маълумотлар олиш;

– шахсларга маълумотларни қисқа ва аниқ қилиб, тезкорлик билан етказиб бериш.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг оғзаки шаклини қўллашда қуйидагилар тақиқланади:

– сохта ва асоссиз маълумотларни тақдим этиш;

– лахча, турли «паразид» сўзларни ишлатиш;

– фикрларни тушунарсиз баён этиш;

– шахслар ва давлат сирини ошкор этиш.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг оғзаки шакли ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш учун оғзаки топшириқ, кўрсатмалар ва тавсиялар беришда ҳам қўлланилади. Профилактиканинг ушбу шакли ҳам аралаш шаклда намоён бўлиши мумкин.

Демак, *ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг оғзаки шакли* – бу, шахсларга маъруза қилиш (тўғридан-тўғри, онлайн ёки аудиоёзув тарзида), суҳбатлашиш, оммавий ахборот воситалари орқали ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир маълумот ва хабарларни етказиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича кўрсатма, топшириқ ва тавсиялар бериш кабиларга йўналтирилган профилактик фаолият шаклидир.

4-§. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг кўргазмали шакли тушунчаси, мазмуни ва қўлланилиши

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ёзма ва оғзаки шакллар сингари кўргазмали шакли ҳам алоҳида ёки аралаш шаклда тарзда амалга оширилиши мумкин.

Айрим ёзма манбалар ўзида кўргазмали шакл элементларини ҳам мужассам этади.

Халқимиз орасида «Минг бор эшитгандан кўра, бир бор кўрган афзал» накли ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг кўргазмали шаклининг аҳамияти ва заруратини очиб беради.

Кўргазмали шаклнинг таъсирчанлиги шундаки, унда маълумотлар реал воқеяликка асосланиб, унда юз берган ёки юз бериши мумкин бўлган ҳодисалар тасвирланади, шунингдек берилаётган маълумотларга расм, фрагмент, слайдлар орқали изоҳ берилади.

Бу борада кўргазмали стендлар, видеороликлар, фрагмент, кино ва мультфильм, телекўрсатув, спектакл кабиларнинг намоиши яхши натижа беради.

Кўргазмали шаклда ўтказиладиган профилактик чора-тадбирларнинг аксарияти олдиндан тайёрланган сценарий асосида суратга олинади ва намоиш этилади. Сценарийнинг ҳаётийлиги ва аниқ мақсадга йўналтирилганлиги кўргазмали материалнинг таъсирчанлигини таъминлайди.

Мисол учун, коррупцион ҳолатларнинг, терроризм, диний экстремизм, гиёҳвандлик, одам савдоси каби жиноий қилмишларнинг аянчли оқибатларини ўзида акс эттирган видеороликнинг таъсирчанлиги сценарийнинг ҳаётийлиги ва ижодий уюшманинг маҳоратига боғлиқ.

Қолаверса, юз берган даҳшатли транспорт ҳодисаси натижасида мажақланиб кетган, уни кўрганда, ичидан тирик одам чиққанлигига шубҳа уйғонадиган транспорт воситасини ёки муайян стендга худди шундай транспорт воситасининг, ёнида эса яқинларини йўқотганлиги учун фарёд чекаётган болакайнинг расмларини тушириб, йўл-қатнов қисмининг четига жойлаштирилиши ушбу йўлдан транспорт воситасида ўтган ҳар қандай ҳайдовчини сергакликка чорлаши аниқ.

Кўргазмали шаклда ўтказиладиган профилактик чора-тадбирларнинг нафақат кўргазмали материалнинг мазмунига, балки уни қайси вақтларда,

кандай жойларда, қанақанги аудиторияда эфирга узатилиши, жойлаштирилиши, намойиш этилишига ҳам боғлиқ.

Одатда, профилактик мазмунга эга видеороликлар аҳоли севиб томоша қиладиган сериаллар, кўрсатувлар эфирга узатиш чоғида намойиш этилиши тавсия этилади.

Кўргазмали стендларнинг эса қайси масалада, кимларга кўпроқ профилактик таъсир кўрсатиш кераклигига қараб кўчаларда, хиёбонларда, транспорт воситаларининг йўл-қатнов қисми четида, бозорлар, супермаркетлар, метро бекатлари, вокзал ва аэропортларда осилиши ўзининг ижобий самарасини беради.

Аҳоли (бир ёки бир неча шахс)га видеороликлар, фрагмент, кино ва мультфильм, телекўрсатув, спектакл кабиларнинг намойиш этиш, кўргазмали стендлар осилиш, макетлар жойлаштириш орқали профилактик таъсир кўрсатиш кўргазмали шаклдаги профилактиканинг мақсади ҳисобланади.

Қуйидагилар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кўргазмали шаклининг вазифалари ҳисобланади:

- кўргазмали воситалар орқали профилактик таъсир кўрсатиш;
- кўргазмали воситалар намойиши асосида тақдим этилган профилактик мазмунга эга маълумотлар орқали шахсларни огоҳликка, хушёрликка чақириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир билимларни бериш;
- юз берган ёки юз бериши мумкин бўлган ҳодиса (ўғирлик, босқинчилик, фирибгарлик, талончилик, коррупцион ҳолатлар, транспорт ҳодисаси каби)ларни тасвирлаш, шунингдек берилаётган маълумотларга расм, фрагмент, слайдлар орқали изоҳ бериш;
- аҳолининг онгида рашк, кўролмаслик, таъмагирлик, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, фоҳишалик каби ғайриижтимоий хулқ-атворнинг салбий ижтимоий-ҳуқуқий оқибатларига оид тасаввурни ҳосил қилдириш ва бошқалар.

Хуқуқбузарликлар профилактикасининг кўргазмали шаклини қўллашда куйидагилар талаб этилади:

– кўргазмали материаллар мазмунининг хуқуқбузарликлар профилактикасига оид давлат сиёсати, қонун ва қонуности норматив ҳужжатлар талабларига мос бўлиши;

– кўргазмали материалларни кенг жамоатчиликка намойиш этиш бўйича мутахассис (юрисст, психолог ва бошқалар)нинг хулосасига эга бўлиш;

– кўргазмали материалларнинг педагогик ва психологик қоидаларга асосланиб тайёрланиши;

– бир қарашда тутуниш қийинроқ бўлган кўргазмали материалларга қисқача изоҳ ёки хулосалар берилиши.

Демак, хуқуқбузарликлар профилактикасининг *кўргазмали шакли* – бу, телевидение орқали хуқуқбузарликлар ҳақида кўрсатувлар, кинофильмлар, видеороликлар тайёрлаб эфирга узатиш, аҳоли гавжум жойларда хуқуқбузарликлар профилактикаси мазмунига эга плакатлар, эълонлар ошиш, видеороликлар намойиш қилиш, учрашув, маъруза жараёнларида мультимедиа воситаларидан фойдаланиш, сахна чиқишларини амалга ошириш кабиларга йўналтирилган профилактик фаолият шаклидир.

5-§. Хуқуқбузарликлар профилактикасининг электрон шакли тушунчаси, мазмуни ва қўлланилиши

Электрон шакл, хуқуқбузарликлар профилактикасининг сўнгги йилларда оммалашиб бораётган шаклларида бири ҳисобланиб, у вақт, куч ва воситалар ҳамда моддий маблағ тежамкорлигини таъминлаш имкониятини беради.

Профилактиканинг ушбу шакли Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги (11.12.2003й.), «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги (29.04.2004й.), «Электрон

ҳукумат тўғрисида»ги (09.12.2015й.), «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги (05.05.2014й.) ҳамда бошқа қонунларида белгиланган тартибда қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги қонун билан электрон ҳукумат соҳасидаги муносабатларни тартибга солинган. Қонунга кўра, «**электрон ҳукумат**» деганда, давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизими, тушунилади.

«**Электрон давлат хизмати**» ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилган ҳолда кўрсатиладиган давлат хизмати назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 декабрдаги 365-сон қарори билан «Электрон ҳукумат» тизимининг жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базаларини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом» тасдиқланган.

Ушбу низомда жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базаларини шакллантириш, долзарблаштириш, юритиш ва улардан фойдаланиш тартиби белгиланган.

Шунингдек, қарор билан «Электрон ҳукумат» тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими тўғрисидаги низом» ҳам тасдиқланган бўлиб, у «Электрон ҳукумат» тизими фойдаланувчиларини идентификациялаш ягона ахборот тизимининг вазифалари, функциялари, ишлаши ва ундан фойдаланиш тартибини белгилашга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 3 июндаги 188-сон қарори билан «Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали тўғрисидаги низом» тасдиқланган.

Низомга кўра, Портал – Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Интернет тармоғидаги расмий давлат ахборот ресурси ҳамда давлат органларининг, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги электрон-ахборот ҳамкорлиги инфратузилмасининг тизим ташкил этувчи элементи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги қонун электрон ҳужжат айланиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

Электрон ҳужжат айланиши электрон ҳужжатларни ахборот тизими орқали жўнатиш ва қабул қилиб олиш жараёнлари йиғиндисидан иборат бўлиб, ундан битимлар тузиш (шу жумладан шартномалар тузиш), ҳисоб-китобларни, расмий ва норасмий ёзишмаларни амалга ошириш ҳамда бошқа ахборотни узатишда фойдаланиш мумкин ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонун эса электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

Қонунга кўра, «электрон рақамли имзо» — электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очик калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо саналади.

«Электрон ҳужжат» деганда эса, электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳамда электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имконини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот тушунилади.

Кўриниб турибдики, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг электрон шакли юқорида келтирилган норматив ҳужжатлар билан муайян даражада тартибга солинади.

Шу билан бирга, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг мазкур шакли йўл қатнов қисмида пиёдалар ва автотранспорт воситаларининг ҳаркатланишини тартибга солиб турувчи чироқлар фаолиятини бошқариш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларнинг ҳисобини юритишга йўналтирилган марказлаштирилган электрон тизимлар фаолияти ҳамда уларнинг имкониятларидан фойдаланишга доир тадбирларда ҳам намоён бўлади.

Аҳоли (бир ёки бир неча шахс)га электрон мослама ва воситаларни қўллаш билан профилактик мазмунга эга материалларни намоёиш этиш ва тарқатиш орқали профилактик таъсир кўрсатиш, профилактик мазмунга эга ҳаракатларни (светафор, электрон браслет, электрон маълумотлар базаси, кўриқлаш пульти мосламалари ва интеллектуал камераларнинг ҳаракатларини) бошқариш электрон шаклдаги профилактиканинг мақсади ҳисобланади.

Қуйидагилар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси электрон шаклининг вазифалари ҳисобланади:

– электрон мослама ва воситаларни қўллаш орқали профилактик мазмунга эга материалларни намоёиш этиш ва тарқатиш орқали профилактик таъсир кўрсатиш;

– ҳуқуқбузарликларнинг миқдор ва сифат ҳамда сабаб ва шарт-шароитлари билан боғлиқ кўрсаткичларининг электрон ҳисобини юритиш;

– профилактика мақсадида қўлланиладиган электрон мослама ва воситалар (светафор, электрон браслет, электрон маълумотлар базаси, кўриқлаш пульти мосламалари ва интеллектуал камералар)нинг ҳаракатларини бошқариш;

– профилактик мазмунга эга электрон материалларни тайёрлаш, намоёиш этиш, тарқатиш ва улардан фойдаланиш;

– электрон маълумот алмашинувини таъминлаш ва бошқалар.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг электрон шаклини қўллашда қуйидагилар талаб этилади:

– электрон материаллар мазмунининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид давлат сиёсати, қонун ва қонуности норматив ҳужжатлар талабларига мос бўлиши;

– электрон мослама ва воситаларни қўллаш кўникмаларига эга бўлиш;

– электрон материалларни тайёрлаш, намойиш этиш, тарқатиш ва улардан фойдаланишнинг норматив ҳужжатларда белгиланган тартибда амалга оширилиши;

– ахборот хавфсизлигини таъминлаш.

Демак, *ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг электрон шакли* – бу, электрон мосламалар ва воситаларни қўллаш орқали профилактик мазмунга эга материалларни тайёрлаш, тарқатиш, фойдаланиш, шунингдек профилактик мазмунга эга ҳаракатларни (светафор, электрон браслет, электрон маълумотлар базаси, кўриқлаш пульти мосламалари ва интеллектуал камераларнинг ҳаракатларини) бошқарувига доир чоратадбирлар йиғиндисидир.

6-§. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг аралаш шакли тушунчаси, мазмуни ва қўлланилиши

Шундай профилактик тадбирлар борки, улар ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бир нечта шаклини ўзида мужассамлаштириб, профилактиканинг *аралаш шакли* мақомига эга бўлади (буларга маъруза ўқиш, профилактик мазмунга эга учрашувлар, давра суҳбатлари, конференцияларда чиқишлар қилиш кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин. Ушбу ҳолатда профилактика субъекти бир вақтнинг ўзида оғзаки, ёзма, кўргазмали, электрон шакллардан фойдаланган ҳолда профилактик тадбирларни амалга ошириши мумкин).

Маъруза ўқишда маърузачи бир вақтнинг ўзида профилактик мазмунга эга маълумотларни оғзаки равишда баён этиш билан бирга, ёзма материалларни тақдим этиши, кўргазмали қуроллар ва воситалардан

фойдаланиши, фото ёки видео фрагментларни намойиш этиши мумкин. Натижада, бир вақтнинг ўзида шахснинг кўриш, эшитиш, ёзиш қобилиятлари ишга солинади. Шу боисдан, ушбу профилактик шаклнинг бошқаларга нисбатан таъсирчанлиги нисбатан юқори бўлади. Шу билан бирга ҳар бир профилактик шакл ўзига хос мазмун ва хусусиятга эга бўлишини унутмаслик зарур.

Бир вақтнинг ўзида профилактиканинг бир нечта шакллари қўллаш асосида аҳоли (бир ёки бир неча шахс)нинг кўриш, эшитиш, ёзиш қобилиятларини ишга солиш, уларнинг онгига профилактик мазмунга эга маълумотлар, билим ва кўникмаларнинг сингдириш, ва шу орқали уларга профилактик таъсир кўрсатиш аралаш шаклдаги профилактиканинг мақсади ҳисобланади.

Куйидагилар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси аралаш шаклининг вазифалари ҳисобланади:

– маълум бир профилактик мақсадга эришиш учун бир вақтнинг ўзида профилактиканинг бир нечта шакллари ўзаро алоқадорлик ва уйғунлик асосида қўллаш;

– бир вақтнинг ўзида аҳоли (бир ёки бир неча шахс)нинг кўриш (ўқиш), эшитиш, ёзиш қобилиятларини ишга солиш;

– шахс(лар) онгига профилактик мазмунга эга маълумотлар, билим ва кўникмаларнинг сингдириш орқали уларга профилактик таъсир кўрсатиш ва бошқалар.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг аралаш шаклини қўллашда куйидагилар талаб этилади:

– ўзига хос мазмун ва хусусиятга эга профилактика шакллари ўзаро уйғунликда қўллаш;

– профилактик мазмунга эга материалларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид давлат сиёсати, қонун ва қонуности норматив ҳужжатлар талабларига мос бўлиши;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикаси шакллари амалда қўллаш кўникмаларига эга бўлиш.

Демак, *ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг аралаш шакли* – бу, маълум бир профилактик мақсадга эришиш учун бир вақтнинг ўзида профилактиканинг бир неча шакллари ўзаро алоқадорлик ва уйғунлик асосида қўллаш орқали аҳоли (бир ёки бир неча шахс)нинг кўриш (ўқиш), эшитиш, ёзиш қобилиятларини ишга солиш ва профилактик таъсир кўрсатишга доир чора-тадбирлар йиғиндисидир.

7-§. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг назорат шакли тушунчаси, мазмуни ва қўлланилиши

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг мазкур шакли нафақат ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг профилактик таъсир кўрсатиш объектларига, балки субъектларга нисбатан ҳам профилактик таъсир кўрсатишни мақсад қилиб олади.

Назорат шакли ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг профилактик таъсир кўрсатиш объектларига нисбатан қўлланилганида, профилактик таъсир кўрсатиш объектларининг ижтимоий жараёнларда норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиши, суд томонидан белгиланган чекловларга амал қилиши техник воситалар ёки профилактика субъектлари томонидан назоратга олинади.

Назорат шакли ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг субъектларига нисбатан қўлланилганида эса, профилактика субъектларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир фаолияти қай даражада ташкил этилаётганлиги парламент, халқ депутатлари кенгаши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва аҳоли томонидан назоратга олинади.

Бир сўз билан айтганда, назорат шакли ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг муҳим шаклларида бири бўлиб, назорат функциясини таъминлаш асосида ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш

хамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари фаолиятини самарали ташкил этишга эришилади. Ушбу шаклнинг ўзи ҳам қуйидаги бир неча турларга бўлинади:

- 1) техник назорат;
- 2) махсус ваколатга эга субъектларнинг назорати;
- 3) жамоатчилик назорати.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг **техник назорат** шакли техника ва электрон тизим имкониятларидан фойдаланган ҳолда жамоат жойларида, аҳоли кўп қатнайдиغان йўлакларда, светофор ўрнатилган чорраҳаларда, видеоузатув камераларини ўрнатиш каби йўллар билан амалга оширилади.

Бугунги кунда профилактиканинг ушбу шаклини амалиётда қўллашга доир бир қатор норматив ҳужжатлар қибул қилиниб, муайян тартиб-қоидалар белгиланган, хусусан:

1. 2020 йил 17 февралдаги «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 18-моддасига кўра, туристик-рекреацион зоналар ҳудудида амалга ошириш учун таклиф этиладиган инвестиция лойиҳалари туристик индустрия объектларининг барпо этилишини, туристик хизматларни ташкил этиш чоғида туристлар хавфсизлиги ва соғлиғининг муҳофаза қилинишини таъминлаш чора-тадбирларини, шу жумладан туристик индустрия объектларини видеоузатув, фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда огоҳлантириш (хабар қилиш) ва зарур ёрдам кўрсатиш тизимлари билан жиҳозлаш орқали таъминлаш чора-тадбирларини назарда тутиши керак бўлади.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги» Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5582-сон Фармони 6-бандининг олтинчи хатбошисига кўра, олиб кириладиган товарларнинг божхона кўриги уч ой давомида божхона кўриги процедураси

видеоёзуви сақланишини ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси марказий аппарати ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бўйича бошқармалари ва «Тошкент-АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплекси уланишини таъминловчи видеокузатув тизими билан жиҳозланган жойлардагина амалга оширилади.

Ўзига хос хусусиятларга эга, унинг ташқи ўлчамлари, физик кўрсаткичлари туфайли ёки кимёвий хоссаларига кўра ёхуд сақланишига доир алоҳида шартлар қўйилиши туфайли божхона омборига жойлаштирилиши мумкин бўлмаган товарлар, шунингдек товар етказиб бериладиган жойда божхона омбори мавжуд бўлмаган ҳолларда, божхона кўриги товарлар етказиб берилган жойда давлат божхона хизмати органлари томонидан кўчма видеоёзув ускуналари ёрдамида тасвирга олинган ҳолда амалга оширилади ва видеотасвирлар божхона постида кўрик ўтказилган кундан бошлаб уч ой давомида сақланиши таъминланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 декабрдаги 975-сон қарори билан «Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус мосламалардан фойдаланиши тартиби тўғрисидаги Низом» тасдиқланган.

Ушбу Низом билан йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус мосламалардан фойдаланиши тартиби белгиланган.

Низомда *махсус мосламалар* деганда, махсус автоматлаштирилган аудио, фото ва видео қайд этиш техника воситалари ёки кўчма фоторадар ва мобиль комплекслар тушунилиши кўрсатилган.

Низомнинг 6-бобида йўл-патруль хизмати тизими (кейинги ўринларда ЙПХ деб қўлланилади) ходимлари томонидан хизмат вазифаларини бажаришда махсус мосламалардан фойдаланиш, 7-бобида махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали йўл ҳаракати қоидалари бузилганлигини қайд этиш тартиблари белгиланган.

Йўл-патруль хизмати ходимлари томонидан хизмат вазифаларини бажаришда махсус мосламалардан фойдаланиши тартибига кўра, ЙПХ ходимлари томонидан йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаракатини назорат қилишда фойдаланиладиган махсус мосламалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширувдан ўтган бўлиши лозим ҳисобланади.

Бундан ташқари, бу борада яна қуйидаги қоидалар ҳам белгилаб берилган:

Хусусан, транспорт воситаларининг оқими ва йўл шароитини ҳисобга олган ҳолда, кўчма фоторадар ва мобиль комплекслар бириктирилган ЙПХ ходимлари томонидан уларнинг қонлиқ дислокацияси белгиланган ва махсус мосламалардан тегишли тартибда фойдаланиш чоралари кўрилган бўлиши лозим.

Кўчма фоторадар ва мобиль комплекслар билан ишлашга улардан фойдаланиш тартибини пухта ўзлаштирган ва қўллаш қоидалари бўйича синовдан ўтган ЙПХ ходимларига руҳсат берилади.

Кўчма фоторадар ва мобиль комплекслардан фойдаланганда ЙПХ ходими мосламанинг кўрсаткичлари билан ҳаракат тезлигини ошириб, қоидаларни бузган ҳайдовчини таништириши, унинг талаби билан мосламанинг сертификати (нусхаси)ни кўрсатиши лозим.

ЙПХ ходимларининг патруль автомобилларида фойдаланиш белгилаб кўйилган тезликни ўлчаш мосламаларини ўзбошимчалик билан ечиб олиши ва хизматга алоқаси бўлмаган бошқа (жисмоний ва юридик) шахсларнинг транспорт воситаларига ўрнатиши ҳамда хизматни ўташга алоқадор бўлмаган фуқароларни жалб қилиши қатъиян тақиқланади.

Мазкур талабга риоя этилмаган ҳолда расмийлаштирилган баённомалар юридик кучга эга бўлмайди ва ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқармайди.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлашнинг автоматлаштирилган (компьютерлаштирилган) бошқарув тизими таркибидаги йўл ҳаракатини назорат қилиш ҳамда видео кузатиш техник

воситаларининг жойлашуви ва иш тартиби Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари — Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари томонидан тасдиқланадиган дислокация билан белгиланади.

Кўчма фоторадар ва мобиль комплексларни қўллаш жойи ва вақти Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати саф бўлими (бўлинмаси) бошлиғи томонидан тасдиқланган дислокацияга мувофиқ белгиланади.

Ҳайдовчи томонидан содир этилган қоидабузарлик кўчма фоторадар ва мобиль комплексларни қўллаш орқали аниқланганда, у белгиланган тартибда ЙПХ ходими дислокациясининг кўчирмаси билан шу жойнинг ўзида танишиши ёки ёзма маълумот олиши мумкин.

Кўчма фоторадар ва мобиль комплекслар ёрдамида аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан расмийлаштирилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомаларга ҳуқуқбузарлик ҳолатлари кўрсатилган фотосуратлар илова қилинади.

Қоидалар бузилишининг олдини олиш учун ЙПХ ходими патруль автомобили, махсус мосламаларни имитация қилувчи қурилмалар (макетлар, манекенлар) ёрдамидан фойдаланиши мумкин.

Дислокацияга асосан тезликни ўлчаш воситаси билан хизматга жалб этилган ЙПХ ходими ҳудудий йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимлари масъул ходимидан тезликни ўлчаш воситасини (мобиль комплекслар бундан мустасно) ва унга тегишли сертификатни (ёки унинг нусхасини) қабул қилиб олади ва унинг бутлиги, созлиги, ўрнатилган тартибда ишлатилишига масъул ҳисобланади.

Рухсат этилмаган, сертификатга эга бўлмаган, сертификатнинг амал қилиш муддати тугаган ёки белгиланган тартибда ички ишлар органлари ҳисобида мавжуд бўлмаган махсус мосламалардан фойдаланиш тақиқланади.

Бунда рухсат этилмаган, сертификатга эга бўлмаган, сертификатнинг амал қилиш муддати тугаган ёки белгиланган тартибда ички ишлар

органлари ҳисобида мавжуд бўлмаган тезликни ўлчаш воситалари асосида расмийлаштирилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённомалар юридик кучга эга бўлмайди ва ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқармайди.

ЙПХ ходими дислокацияга асосан бириктирилган ҳудудга етиб бориб, хизматини бошлашидан олдин тезлик ўлчаш мосламасини фойдаланиш учун тайёрлайди, мослама хотирасига унинг ўрнатилган жойи, ҳаракат йўналиши, юқори тезлик чекланган кўрсаткичга қўшимча беш километр фарқи билан маълумотни киритиб, хизматга киришади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 июндаги 486-сон қарори билан тасдиқланган «Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишларни янгича ёндашув асосида ташкил этиш чора-тадбирлари Дастури» тасдиқланган.

Дастурда Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг техник назорат шаклини амалда қўллашга доир қўйидаги вазифалар белгилаб олинди:

– жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида фойдаланиладиган видеокузатув мосламалари ва уларни ўрнатишга қўйиладиган умумий талабларни ишлаб чиқиш;

– туман маҳаллаларидаги аҳоли серқатнов бўлган ҳудудлар, кўп қаватли уйларнинг кириш йўлаклари, орқа ва ён атрофи, маҳаллаларнинг бошқа ҳудудларида видеокузатув камералари ўрнатилишини таъминлаш, шунингдек уларни марказлашган ягона тизимга улаш;

– Зангиота тумани ҳудудидаги Чилонзор тумани билан чегарадош бўлган йирик савдо объектларида видеокузатув мосламалари босқичма-босқич ўрнатилишини таъминлаш;

– тумандаги йирик бозорларда «Хавфсиз бозор» синов лойиҳасини амалга оширишда бозорлар ҳудудларини видеокузатув мосламалари билан тўлиқ қамраб олиш, шу жумладан, кириш ва чиқиш жойларида интеллектуал видеокамералар ўрнатиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июлдаги «Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати катнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус мосламалардан фойдаланиши тартиби тўғрисидаги Низом» 624-сон қарори тасдиқланган.

Қарорда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3245-сон қарори ижроси доирасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан Жамоат жойларида видеокузатув тизимини қўллаш ва фойдаланиш методикаси тасдиқланганлиги айтиб ўтилган.

Шунингдек, «Хавфсиз шаҳар» концепцияси доирасида умумий овқатланиш корхоналари ва кўнгилочар объектларнинг ички қисмига, шу жумладан, хизмат кўрсатиш хоналари, кириш ва чиқиш жойларига тасвирни камида ўттиз кун давомида сақлаш имконини берувчи видеокузатув тизимининг ўрнатилиши, видеокузатув тизимини ўрнатиш тегишли умумий овқатланиш корхоналари ва кўнгилочар объектларнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилиши, агарда тунги вақтда фаолият юритаётган умумий овқатланиш корхоналари ва кўнгилочар объектлар томонидан ушбу талаблар бузилса ёки уларнинг тунги фаолияти юзасидан жамоатчилик томонидан мунтазам равишда эътирозлар билдирилса, уларнинг тунги вақтда фаолият юритиш ҳуқуқи маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан бекор қилиниши мумкинлигига оид тартиблар белгиланган.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 828-сон қарори билан «Самарқанд вилоятида туризмни янада ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланган бўлиб, ушбу Йўл харитасида Самарқанд шаҳрининг ЮНЕСКО ҳимоясидаги тарихий қисмининг буфер ва қўриқланувчи ҳудудида видеокузатув камералари ўрнатилишига доир чора-тадбирлар белгиланган.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 ноябрдаги 912-сон қарори билан «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали шахслар, транспорт воситалари ва товарларни ўтказиш пунктларида чегара, божхона, санитария-карантин, фитосанитария ва ветеринария назоратидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом» тасдиқланган.

Низомнинг 67-бандида чегара назорати бўлинмаси божхона органи билан биргаликда видеокузатув тизими имкониятларидан фойдаланган ҳолда йўловчиларни, шу жумладан, ҳаво кемасини ер усти техник хизматига топширишда иштирок этмайдиган экипаж аъзолари ва уларнинг бажаи аэропорт биносига етказилишини назорат қилиши, божхона органи товарларни тушириш ва уларнинг аэропорт (аэродром) омборига етказилишини назорат қилиши белгиланган.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 январдаги 2/4-сон қарори билан «Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари автоматлаштирилган банк тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Низом» тасдиқланган.

Низомга кўра, телекоммуникация шкафлари қулфланиши ва видеокузатув тизимлари орқали назоратга олинган бўлиши лозим.

Шунингдек, банк томонидан захира маркази хонасининг хавфсизлиги таъминланган ва учинчи шахслар банкнинг рухсатсиз захира серверлари билан ишлаши чегараланган бўлиши керак. Захира маркази хонаси банк томондан видеокузатув тизими орқали назоратга олинади.

Банкнинг ҳудудидаги сервер хонасида банкнинг автоматлаштирилган банк тизимининг маълумотлар базаси, веб-серверлари, тўлов тизими ва бошқа серверлар жойлаштирилади.

Агар серверлар филиалларда жойлаштирилса, улар жойлашган хоналарнинг хавфсизлиги бўйича талаблар банк томонидан алоҳида белгиланиши ҳамда сервер хонасига ўрнатилган видеокузатув тизими куйидаги талабларга жавоб бериши керак бўлади:

- а) серверлар билан бевосита жисмоний контактлар ёзиб борилиши;
- б) узлуксиз видеокузатув амалга оширилиши;
- в) серверларнинг (сервер шкафларининг) олди ва орқа тарафини кечаюкундуз назорат қилиш имконияти бўлиши;
- г) видеокамераларнинг тасвирга олиш имкониятлари технологик қурилмаларга хизмат кўрсатаётган ходимларнинг юзларини ишонч билан фарқлашига етарли бўлиши.

Видеокузатув қурилмалар ва бинога (йўлакларга, хоналарга) киришни назорат қилиш тизимлари маълумотлари банк тўлов тизими локал тармоқларидан ажратилган ва ташқи таъсирлардан ҳимоя қилинган бўлиши ҳамда электр таъминоти узилган вақтдан бошлаб 12 соат ичида энергияга боғлиқ бўлмаган ҳолда автоном равишда ишлаш имкониятига эга бўлиши, шунингдек видеоархив 2 ойдан кам бўлмаслиги лозим.

Видеокузатув қурилмалар монтаж ва демонтаж қилиниши осон ва видеотизим масштабланадиган бўлиши керак.

Видеоархив маълумотларини юритиш, фойдаланиш банкнинг хавфсизлик бўйича масъул бўлинмаси томонидан амалга оширилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 февралдаги 85-сон қарори билан тасдиқланган «Объектлар (хоналар)нинг гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш бўйича техник талабларга мувофиқлиги тўғрисида ҳулосалар бериш тартиби ҳақидаги низом»нинг 9-бандига кўра, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлашга мўлжалланган жойлар ва махсус хоналар қўриқлаш ва ёнғиндан дарак берувчи сигнализациялар ҳамда видеокузатув тизимлари билан таъминланган бўлиши талаб этилади.

Ушбу низомнинг 5-бобида гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланадиган жойлар ҳамда махсус хоналарнинг қўриқлаш ва ёнғиндан дарак берувчи

сигнализация воситалари ҳамда видеокузатув тизимлари билан жиҳозланишига қўйиладиган талаблар белгиланган.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 5 мартдаги 128-сон қарори билан тасдиқланган «Озодликдан маҳрум этиш туридаги жазони ижро этиш муассасалари тўғрисидаги низом» билан «2020 йилда озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазоларни ижро этиш муассасаларини видеокузатув мосламалари ва шахсий видеорегистраторлар (боди-камералар) билан жиҳозлаш ҳамда Пробация хизмати амалиётига электрон браслетларни татбиқ этиш Дастури» тасдиқланган.

Қарор билан, 18 та жазони ижро этиш колонияларини 1833 дона видеокузатув мосламалари ва 36 комплект шахсий видеорегистраторлар (боди-камералар) ўрнатилишини ҳамда Пробация хизмати амалиётига 3 000 дона электрон браслетларни татбиқ этишни назарда тутувчи 2020 йилда озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазоларни ижро этиш муассасаларини видеокузатув мосламалари ва шахсий видеорегистраторлар (боди-камералар) билан жиҳозлаш белгиланди.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг техник назорат шакли аралаш шаклда ҳам намоён бўлади. Мисол учун, маъмурий ҳуқуқбузарлик махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилмасдан, ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг иштирокисиз жарима солиш тўғрисидаги қарор чиқарилади. Бунда ҳуқуқбузарликни такрорийлиги инобатга олинмайди.

Бунда, жарима солиш тўғрисидаги қарор махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари қўлланилган ҳолда олинган материаллар илова қилиниб, юридик кучга эга бўлган электрон ҳужжат шаклида расмийлаштирилади ҳамда ушбу ҳужжатни тузган ваколатли шахснинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарорнинг кўчирма нусхаси махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари

қўлланилган ҳолда олинган материаллар илова қилиниб, электрон ҳужжатни қоғоздаги ҳужжатга айлантириш йўли билан тайёрланади ҳамда мазкур қарор чиқарилган кундан эътиборан уч кун муддатда буюртма почта жўнатмаси тарзида ҳуқуқбузарга юборилади.

Махсус ваколатга эга субъектларнинг назорати - назорат-лицензия фаолияти, йўл-ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, божхона назорати, блок постлар назорати, кўча ва жамоат жойларида патруллик хизматлари назорати, ёнғин хавфсизлиги назорати, маъмурий назорат, профилактик ҳисоб, жазони ўтаётган шахслар назорати, туристлар ва туристик гуруҳларни кузатиб бориш, туризм намоиши объектларида жамоат тартибини сақлаш кабиларни ўз ичига қамраб олади.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги қонунга кўра «лицензия талаблари ва шартларига лицензиатлар риоя этишини назорат қилиш» лицензияловчи органларнинг ваколатларидан бири ҳисобланади (6-м.).

Қонунда лицензияловчи орган ва лицензиатнинг ўзаро ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгиловчи лицензия шартномасида лицензия шартномасининг талаблари ва шартларини лицензиат қандай бажараётганлигининг лицензияловчи орган томонидан назорат қилиниши тартиби бўлиши шартлиги назарда тутилган (19-м.). Шунингдек, лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат қилиш тартиби белгиланган (21-м.).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги 222-II-сон қарори билан Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 июндаги «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги ўзбекистон республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги 236-сон қарорида эса лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турлари уни лицензияловчи органлар рўйхати билан аниқлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2009 йил 4 октябрдаги 75-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ички ишлар органлари томонидан гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланадиган объект ҳамда хоналарнинг техник мустаҳкамлиги ва қўриқлаш-ёнғинга қарши сигнализация мосламалари билан жиҳозланганлиги ҳолати устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом»да ички ишлар органлари томонидан гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланадиган хона ва объектларнинг техник мустаҳкамлигини ҳамда қўриқлаш-ёнғинга қарши сигнализация мосламаларининг ҳолатини назорат қилиш тартиби белгиланган.

Шунингдек, Низомда назоратни ташкил этиш, бу жараёнда текширувларни амалга ошириш, текширувлар натижаларини расмийлаштириш тартиби ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуни билан йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги муносабатлар тартибга солинади.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш – транспорт воситасининг йўлда ҳаракатланиши жараёнида рўй берган, фуқароларнинг ҳалок бўлишига ёки соғлиғига зарар етишига, транспорт воситалари, иншоотлар, юкларнинг шикастланишига ёхуд бошқа моддий зарар етишига сабаб бўлган ҳодисалар юзага келиши сабабларининг олдини олишга, бундай ҳодисалар оқибатларининг оғирлигини камайтиришга қаратилган фаолият бўлиб, ушбу фаолият билан махсус ваколатли давлат органлари шуғулланади. Уларга қуйидагилар киради:

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги;

Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш ташкилоти;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган назоратларга қуйидагилар киради:

1) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат дастурларининг амалга оширилиши устидан назорат олиб боради (6-м.);

2) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳудудий дастурларнинг амалга оширилиши устидан назорат олиб боради (7-м.);

3) Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги автомобиль транспортида йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади (8-м.);

4) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати йўл ҳаракати қатнашчиларининг Йўл ҳаракати қоидаларига ҳамда қонун ҳужжатларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид қисмига риоя этиши, шунингдек фойдаланишдаги транспорт воситаларининг техник ҳолати, йўлларнинг ва темир йўлларни кесиб ўтиш жойларининг сақланиши, уларнинг йўл ҳаракатини тартибга солиш воситалари билан жиҳозланиши устидан назоратни амалга оширади, транспорт воситаларининг мажбурий техник кўригини ўтказди (10-м.);

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 октябрдаги «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги қонунига кўра, божхона назорати ва расмийлаштирувини амалга ошириш божхона органларининг асосий вазибаларидан бири ҳисобланади.

Божхона органлари божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни, қонун ҳужжатлари бузилишларининг, шу жумладан контрабанданинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга чек қўйишни амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 октябрдаги 808-сон қарори билан «Ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати бўлинмалари томонидан

фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги хизматларни шартномавий-ҳуқуқий асосда амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом» тасдиқланган.

Низомда ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати бўлинмалари томонидан фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги хизматларни шартномавий-ҳуқуқий асосда кўрсатиш тартиби белгиланган.

Низомга кўра, бозорлар, йирик савдо, кўнгилочар, дам олиш мажмуалари ва марказлари ҳамда фуқаролар гавжум бўладиган бошқа жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги тадбирлар шартномавий-ҳуқуқий асосда ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати бўлинмалари томонидан мазкур жойларда фаолият кўрсатувчи юридик шахслар билан тузиладиган шартномаларга мувофиқ пулли асосда амалга оширилади.

Фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш патруль-пост хизмати бўлинмалари нарядларининг фаолиятини ташкил этиш орқали кўрсатилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 октябрдаги 272-сон қарори билан «Давлат ёнғин назорати тўғрисидаги Низом» тасдиқланган. Низомга кўра, давлат ёнғин назорати давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар томонидан ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилинишини текшириш ва текширув натижалари бўйича чора-тадбирлар кўриш мақсадида амалга оширилади. Ушбу фаолият билан давлат ёнғин назорати органлари шуғулланади. Аниқроқ қилиб айтганда, давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг давлат ёнғин назоратини амалга ошириш ваколатига эга бўлган мансабдор шахси томонидан амалга оширилади.

Бу борада давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари,

ташкilotлар, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқароларнинг ёнги хавфсизлиги талабларини бажаришлари юзасидан текширувлар амалга оширилади, аниқланган қоида бузишларни бартараф этиш ва (ёки) уларнинг олдини олиш чоралари кўрилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги «Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида»ги қонунига кўра, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида уларга яқка тартибда профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари амалга оширилади.

«Маъмурий назорат» — назорат остидаги шахсларга суд томонидан белгиланадиган маъмурий чекловларни қўллашдан иборат тарбиявий-профилактик таъсир кўрсатиш чоралари мажмуи ҳисобланади.

Маъмурий чекловлар жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсларнинг ҳуқуқлар ва эркинликларни вақтинчалик чеклаш ёки зиммасига мажбуриятлар юклатиш тарзида суд томонидан белгиланади.

Маъмурий назорат қонуннинг 12-моддасида белгиланган тартибда назорат остидаги шахснинг яшаш жойидаги ички ишлар органи томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017 йил 12 июлдаги 151-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низом»нинг 39-бандига асосан, профилактика инспектори ҳуқуқбузарлик содир этилиши эҳтимоли юқори бўлган жойлар, интернет кафелар, тунги кўнгил очиш (дам олиш) жойларини ҳамда маъмурий назорат ўрнатилган, профилактик ҳисобга олинган, ов қуролига эга бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар яшайдиган турар-жойларни доимий равишда назорат қилиб боради.

Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатиш ва амалга ошириш борасидаги

иш ҳужжатлари ва уларни юритиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2019 йил 28 августдаги 250-сон буйруғи билан тасдиқланган Йўриқномада белгиланган тартибда амалга оширилади.

Профилактик ҳисобга олиш назоратнинг бир кўриниши бўлса-да, аммо шахсга муайян чекловлар қўлланилмаслиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга, профилактик ҳисобга олинган шахснинг хулқ-атвори назорат қилинади ва унга нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилади. Шу орқали профилактик ҳисобга олинган шахсларнинг тузалиши ва такроран ҳуқуқбузарлик содир этишининг олдини олиш мақсадига эришилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2012 йил 29 декабрдаги 174-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларига кўра маҳкумларнинг хулқ-атвори устидан назорат олиб борилади (108–112-бандлар).

Қоидага биноан, маҳкумларнинг хулқ-атвори мунтазам равишда назорат қилиб турилади.

Маҳкумлар томонидан сақлаш режими бузилганлиги ва бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар қилинганлиги аниқланган тақдирда, назоратчиларнинг ҳарбий наряди ғайриқонуний ҳаракатларнинг олдини олиш чорасини кўради ҳамда натижаси бўйича далолатнома тузиб тезкор навбатчига тақдим этади. Бунинг учун маҳкумга нисбатан интизомий бўлинмага киритиб қўйиш тарзидаги жазони қўлланиши мумкин ҳисобланади.

Бундан ташқари, 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон

Республикаси қонунининг 23-моддасига кўра ички ишлар органи томонидан ҳимоя ордери* талабларининг ижроси устидан назорат амалга оширилади.

Жамоатчилик назорати – назоратнинг ушбу турида иккита мақсад, яъни бири ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг жамоатчилик олдида ҳисобдорлигини таъминлаш тизими орқали ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигига эришиш, иккинчиси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги «фидокор ёшлар гуруҳи», жамоатчилик кенгашлари каби жамоатчилик тузулмалари назорати ва фаолияти ёки фуқаролар фаоллиги орқали бевосита ҳуқуқбузарликларнинг олди олинишини таъминлаш кўзланади.

Бинобарин, «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 13-моддасида «хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш» хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишда Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат ноижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтлар иштирокининг бир кўриниши сифатида белгиланган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги «Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2883-сонли қарори билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги ҳисобдорлик бўйича қуйидаги бир қатор қоидалар белгиланди:

1) «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни»да «ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида давлат идоралари ва ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш»;

* Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазйиқ ўтказётган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан қонунда белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжат.

2) махсус телекўрсатув ва радиоэшиттиришларда давлат идоралари ва ташкилотлари вакиллари, жамоатчилик иштирокида жойларда жинойтчилик аҳволи, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитлари, жинойтларни фош этиш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича ишларнинг натижаларини муҳокама қилиш;

3) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялар ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича ваколатли органлар ва муассасалар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиши;

4) ваколатли органлар ва муассасалар ўз ваколатлари доирасида Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш бўйича, Вояга етмаганлар ишлари бўйича, Одам савдосига қарши курашиш бўйича ва Корупцияга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялар ҳар чоракда жинойтчилик ва ҳуқуқбузарликлар аҳволи ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этади;

5) ҳудудий комиссиялар ўз фаолиятида юқори турувчи комиссияларга ҳисобдордир, ўз фаолияти тўғрисида ҳар чорак яқунлари бўйича уларни хабардор қилиб турадилар ва ҳисобот бериб борадилар;

6) Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш бўйича, Вояга етмаганлар ишлари бўйича, Одам савдосига қарши курашиш бўйича ва коррупцияга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялар мутасадди давлат органлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади.

Юқоридагилардан кўриниб турганидек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари томонидан зиммасига юклатилган мажбурият ёки вазифаларнинг бажарилганлиги ёки бажариш ҳолати ҳақида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кенг жамоатчиликка ҳисобот берилиши ўзида жамоатчиликнинг таъсирчанлиги ва назоратини ифодалайди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий кенгашининг қарори билан тасдиқланган «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳлари тўғрисидаги Низом» асосида ташкил этилади.

Фуқаролар ва жамоатчилик тузулмаларининг профилактик назорати ҳақида сўз юритилганида, европа давлатларининг айримларида, хусусан, Германияда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда фуқароларнинг имкониятидан кенг фойдаланиш амалиётининг мавжудлигига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдр. Мазкур амалиётга кўра, ҳар қандай ҳуқуқбузарлик, шу жумладан, ғайриижтимоий хулқ-атворнинг гувоҳи бўлган Германия фуқаролари бу ҳақда дарҳол давлат органларига телефон орқали оғзаки, СМС ёки ММС кўринишида хабар беради. Хабар асосида тезкор профилактик чоралар кўрилиб, натижаси ҳақида фуқарога маълум қилинади.

Мазкур амалиётнинг илк белгиларини мамлакатимизда 2018 йил 8 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 15-сонли қарорнинг қабул қилинганида, шунингдек мамлакатимизда «Жамоат тартибини сақлашда фуқароларнинг иштироки тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурати эътироф этилаётганлигида кўриш мумкин.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳридаги Инха Университети талабалари А. Сияев, Ш. Содиқов, Ю. Хўжаева ва З. Усмоновалар Россиядаги «Наш город», АҚШдаги «Boston 311», Жанубий Кореядаги «e-people»

дастурларнинг аналогичи сифати «ProActive» инновацион дастурни ишлаб чиқдилар. Муаллифларнинг изох беришича, мазкур дастур халқ қабулхоналарининг янгича шакли сифатида талқин этилиб, фуқароларнинг ижтимоий огоҳлиги, жамоат тартиби, хавфсизлиги ва осойишталигига дахлдорлигини оширади. Дастур мазмунига кўра, фуқаролар жамоат жойидаги кўнгилсиз ёки фавқулотда ҳолатлар ҳақида мурожаатларни СМС ёки ММС кўринишида қўл телефони орқали тегишли давлат органларига юбордилар ва СМС орқали жавоб оладилар¹.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасига кенг жамоатчиликни жалб этишга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш дунёдаги кўпчилик давлатлар, хусусан, Буюк Британия, АҚШ, Канада, Германия ва Австралия шаҳарларида кузатилади. Мазкур тадбирларни амалга ошириш учун «Neighborhood watch (Кўшнининг кузатуви)», «Crimestoppers (жиноятни тўхтатувчилар)», «Crimeprevention through environment design (broken window) (Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташқи муҳитдан кузатув остига олиш (синик ойналар))», «Safety City (Хавфсиз шаҳар)» каби дастурлар ишлаб чиқилиб, амалиётга самарали тадбиқ этиб келинмоқда.

Республикамизда шунга ўхшаш дастурлардан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг «Хавфсиз шаҳар» аппарат-дастурий комплекси ишлаб чиқилиб, унинг имкониятларидан Тошкент шаҳрида, туристик зоналарда кенг фойдаланишга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мамлакатимиз ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амалиётида профилактиканинг назорат шакли самарали қўлланилиб келади. Бироқ илм-фан ривожини ва жамият тараққиёти профилактиканинг ушбу шакл имкониятини янада кенгайтириш, бу борадаги ишларни доимий ва тизимли равишда амалга ошириш зарурати мавжудлигини намоён этади.

¹ ProActive – халқ қабулхоналарининг янгича шакли / Kun.uz. 21.02.2018. 7398.

8-§. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг қўриқлаш шакли тушунчаси, мазмуни ва қўлланилиши

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг *қўриқлаш шакли* марказий қўриқлаш пулти ҳамда қўриқлаш хизмати орқали муҳим тоифаланган объектлар, давлат органлари жойлашган бино ва иншоотлар, аҳолининг уй-жойи, автотранспорт воситаларининг хавфсизлигини таъминлашга, уларга нисбатан турли тажовузлар амалга оширилишининг олдини олишга эришилади.

Ички ишлар органларининг жисмоний ва юридик шахслар мулкининг қўриқланишини таъминлаш бўйича фаолияти самарадорлигини ошириш, шунингдек, мулкка бўлган тажовузни профилактика қилиш ва олдини олишда аҳолининг замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиши учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида, 2018 йил 12 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4060-сон қарори қабул қилинди.

Қарорда қуйидагилар белгилаб олинди:

2022 йил 31 декабрга қадар республиканинг барча ҳудудларида Тошкент шаҳрида амалга оширилган техник қўриқлаш ва ҳаракатланиш пунктларига хабарни узатиш ва марказлашган кузатувнинг автоматлаштирилган тизимини босқичма-босқич жорий этиш;

қўриқлаш хизматининг ички ишлар органлари жамоат тартибини сақлаш кучларининг патруль гуруҳлари билан узвий ҳамкорлигини ташкил этиш ва бунда қўриқланадиган объектлардан келиб тушган хабар жойига энг яқин патруль гуруҳининг тез етиб боришини таъминлаш механизмларини белгилаш;

мулкни қўриқлаш бўйича хизмат турларини кенгайтириш, шу жумладан транспорт воситалари ва бошқа ҳаракатланувчи объектларни қўриқловга олиш имкониятини берувчи замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

янги турар жойлар қурилишида ички ишлар органлари билан келишилган ҳолда уларни мажбурий тарзда қўриқлаш-ёнгин ташвишгоҳлари ва газоанализаторлар билан жиҳозлаш;

республика маҳаллаларини уларнинг хавфсизлик даражасининг чораклик рейтингини жорий этган ҳолда баҳолаш ҳамда ҳар йили «Энг хавфсиз маҳалла» республика танловини ўтказиш.

Қарорга кўра, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиянинг Миллий гвардия Қўриқлаш бош бошқармаси таркибида асосий фаолият йўналиши этиб қўриқланадиган объектларда ўрнатиладиган қўриқлов техник воситалар ва тизимларини монтаж, демонтаж қилиш, таъмирлаш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва эксплуатация қилиш бўйича ишларни бажаришни белгилаган ҳолда «Qo‘riqlash Servis» давлат унитар корxonаси ташкил этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 июлдаги 555-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Қўриқлаш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси таркибига ўтказилди.

Давлат объектлари, ўта муҳим, тоифаланган ва бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкани қўриқлашни ташкил этиш, шунингдек, давлат қўриқлаш ташкилотлари фаолиятини назорат қилиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси зиммасига юклатилди ҳамда «давлат объектлари, ўта муҳим, тоифаланган ва бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкани шартнома асосида қўриқлашни ташкил этиш» Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш хизмати фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Шунингдек, ушбу қарор билан «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг қўриқлаш хизмати ҳақидаги Низом» тасдиқланди. Низомда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш бўлинмаларининг ташкилий тузилиши, вазифалари, мажбуриятлари ва ҳуқуқлари белгилаб берилди.

Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилган:

қўриқлаш хизмати — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг давлат объектларини, ўта муҳим, тоифаланган ва бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкани шартнома асосида қўриқлашни ташкил этувчи таркибий бўлинмалари тизими;

идоравий қўриқлаш — республика давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларида объектлар ва мол-мулкани ҳуқуққа зид тажовузлардан қўриқлаш, ҳимоя қилиш бўйича махсус вазифаларни бажариш учун ташкил этиладиган, юридик шахс бўлмаган таркибий бўлинма;

қўриқланаётган объект — шартнома асосида қўриққа олинб, ҳуқуққа зид тажовузлардан қўриқланиши ва ҳимоя қилиниши керак бўлган хоналар, бинолар, иморатлар, иншоотлар, уларга туташ ҳудудлар ва акваториялар, жисмоний шахслар, транспорт воситалари, шунингдек, юклар, хусусан ташиш жараёнидаги юклар, пул воситалари ва бошқа мол-мулклар;

қўриқлаш хизмати ходими — Миллий гвардия қўриқлаш хизматининг шаҳодатланган, ҳуқуқий мақоми бўйича ички ишлар органлари ходимига тенглаштирилган, махсус унвонга, белгиланган намунадаги формали кийим-бошга, шунингдек, хизмат вазифасини бажариш вақтида қонунчиликда ўрнатилган тартибда жисмоний куч, ўқотар қурол ва махсус воситаларни қўллаш ҳуқуқига эга бўлган ходим;

наряд — объект ёки унинг бир қисми қўриқланишини таъминлайдиган, моддий-товар бойликларни кузатиб бораётган, қўриқланаётган объектлардан тушган «ташвиш» хабарига тезкор таъсир кўрсатиш борасидаги тадбирларни амалга оширадиган қўриқлаш хизмати ходими (ходимлари);

объект ички режими — қўриқланадиган объектда белгиланган ички тартиб ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари ҳамда тадбирларини амалга ошириш тартиби;

рухсат бериш режими – қўриқланадиган объектда шахслар, транспорт воситаларининг кириши (чиқиши), қўриқланадиган объектларга мол-мулкни олиб кириш ва ундан олиб чиқишни назорат қилиш, назоратсиз кириб-чиқишнинг олдини олиш ва унга барҳам беришнинг белгиланган тартиби;

назорат текшируви — қўриқлаш хизматининг давлат, хўжалик субъектларига объектлар хавфсизлиги ва қўриқлаш тизимини ташкил этиш йўналишида амалий ёрдам кўрсатиш, шунингдек эҳтимоли мавжуд ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, идоравий қўриқлаш бўлинмалари фаолиятини ўрганиш, ушбу соҳаларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва такомиллаштириш борасидаги фаолияти.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 ноябрдаги 930-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг қўриқлаш хизмати бўлинмалари томонидан қўриқланадиган объектлар рўйхати тасдиқланди.

Қуйидаги объектлар Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг қўриқлаш хизмати саф бўлинмалари томонидан қўриқланади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан белгиланадиган ўта муҳим, тоифаланган ва давлат аҳамиятидаги бошқа объектлар.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг давлат резиденцияларига хизмат кўрсатиш ва тадбирларини ташкил этиш бошқармасининг объектлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва агентликлар.

3. Вазирликлар ва идораларнинг маъмурий бинолари, шунингдек, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органларининг объектлари (қонунчиликка мувофиқ идоравий қўриқлаш бўлинмалари мавжуд бўлган объектлар бундан мустасно).

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази бинолари.

5. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ва муассасаларининг бинолари ва объектлари, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси органларидан ташқари.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббийёт экспертиза муассасалари, психиатрия муассасалари, сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки токсикоманияга мубтало бўлган беморларни мажбурий даволашга мўлжалланган махсус даволаш-профилактика муассасаларининг бинолари ва иншоотлари.

7. Республика ҳудудида фаолият кўрсатаётган банкларнинг объектлари.

8. Фуқаровий ва хизмат қуроллари, уларнинг ўқ-дорилари сақланадиган ва реализация қилинадиган объектлар (иншоотлар, бинолар, хоналар, ҳудудлар), агар қонун ҳужжатларида бошқача белгиланмаган бўлса.

9. Портловчи ва заҳарли моддалар, уларни қўллаган ҳолда ишлаб чиқарилган материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек, портлатиш воситаларни ҳамда пиротехника буюмларини транспортда ташиш, сақлаш ва реализация қилиш амалга ошириладиган объектлар (иншоотлар, бинолар, хоналар, ҳудудлар), агар қонун ҳужжатларида бошқача белгиланмаган бўлса.

10. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари сақланадиган, тадқиқотлар ўтказиладиган, ишлаб чиқариладиган ташкилотлар объектлари, шу жумладан, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика саноатининг илмий-тадқиқот ташкилотлари (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхатга асосан).

11. Қуввати 200 мегаваттдан юқори бўлган гидроэлектростанциялар ва иссиқлик электростанциялари ҳамда қуввати 100 мегаваттдан юқори бўлган шамол ва қуёш фотоэлектр станциялари.

12. Нефть-газ ва газ конденсати конлари, конлардаги ва конлараро магистрал қувурлар, шунингдек, нефть-газ тармоғининг ишлаб чиқариш ва қурилиш майдонлари.

13. Қимматбаҳо металллар конлари, уларнинг электр энергияси ва сув таъминоти объектлари, шунингдек, кон-металлургия тармоғининг ёрдамчи иншоотлари.

14. Сифими 800 киши ва ундан ортиқ бўлган концерт, оммавий томошалар ўтказиладиган саройлар ва заллар.

15. Телекўрсатув ва радиоэшиттиришни амалга ошириш объектлари, «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» АЖ филиаллари бинолари, иншоотлари ва қурилмалари.

16. Деҳқон (озик-овқат) бозорлари, ихтисослаштирилган ва буюм бозорлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланган рўйхатга асосан.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги объектлари, шу жумладан, атом электр станцияси қурилиш майдонлари ва ёрдамчи объектлари, шунингдек, «ММФИ» миллий тадқиқот ядро университети» федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг Тошкент шаҳар филиали.

18. Давлат музейлари, музей-қўриқхоналар, шу жумладан тарихий ва маданий мерослар сақланадиган жойлар, археологик қазилма жойлари (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Маданият вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхатга асосан).

19. Давлат назоратига олиниши керак бўлган радиоактив моддалар ва радиоактив чиқиндилар, шунингдек, ионлаштирувчи нурланиш манбалари фойдаланиладиган, қайта ишланадиган, ишлаб чиқариладиган, сақланадиган ишлаб чиқариш (шу жумладан, цемент ишлаб чиқариш) корхоналари.

20. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари билан белгиланадиган жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган бошқа объектлар.

Қуйидаги объектлар Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш хизматининг техник қўриқлаш воситалари мониторинг ва назорат марказлари томонидан техник қўриқлаш воситалари ёрдамида қўриқланади:

1. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорларини сақлаш ва сотиш жойлари, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклидан қатъи назар, дорихоналар.

2. Пиротехника буюмлари сақланадиган ва сотиладиган объектлар (иншоотлар, бинолар, қурилмалар).

3. Фуқаровий ва хизмат қуролларини, уларнинг ўқ-дориларини сақлаш жойлари.

4. Давлат назоратига олинмиши керак бўлган портловчи ва радиоактив моддалар ҳамда ионлаштирувчи нурланиш манбалари сақланадиган жойлар.

5. Телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар ташкилотларининг кириш чекланган хоналари.

6. Қимматбаҳо металллар (тошлар)ни сақлаш ва реализация қилиш объектлари (омборлар, дўконлар).

7. Банклар ва уларнинг филиалларининг нақд ва нақдсиз пул айланмалари амалга ошириладиган касса хоналари.

8. Архив хужжатлари доимий ва вақтинча сақланадиган архив омборлари хоналари, шунингдек, давлат органлари ва бошқа юридик шахсларнинг махсус тартиботли объектлари.

9. Давлат тарих ва санъат музейлари.

10. Умумий ўрта таълим муассасалари.

11. Диний ташкилотларнинг объектлари (масжидлар, черковлар, синагогалар, монастирлар ва бошқалар).

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг хужжатлари билан белгиланадиган жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган бошқа объектлар.

Агарда Ўзбекистон Республикасининг алоҳида муҳим ва тоифаланган объектлари қўриқловга олинса, унда ушбу объектларда қўриқлашнинг техник воситаларини лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ишларини ташкил этиш талаб этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 6 октябрдаги 279-сон қарори билан «Ўзбекистон Республикасининг алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларида кўриқлашнинг техник воситаларини лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ишларини бажаришга рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги Низом» тасдиқланган.

Телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар объектларини кўриқлаш, муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг хавфсиз фаолият кўрсатиши Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 14 апрелдаги 92-сон қарори билан тасдиқланган қоидалар асосида амалга оширилади.

Низомга кўра, нодавлат телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар объектлари белгиланган тартибда Миллий гвардия Кўриқлаш бош бошқармасига кўриқлаш учун берилиши, кириш чекланган хоналари мажбурий тартибда Миллий гвардия кўриқлаш бўлимларининг техник кўриқлаш марказига (пунктига) кўриқлаш учун топширилиши керак.

Низомда нодавлат телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар объектларини кўриқлаш тартиби, объектга киритиш тартиби ва унинг ички тартиби белгилаб берилган.

Туристлар ва туристик гуруҳларни кузатиб бориш, туризм намойиши объектларида жамоат тартибини сақлашни ҳам кўриқлаш шаклига мисол қилиб келтириш мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 августдаги 669-сон қарори билан «Ички ишлар органларининг хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари томонидан шартнома асосида туристлар ва туристик гуруҳларни кузатиб бориш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш тартиби тўғрисидаги» ҳамда «Ички ишлар органларининг хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари томонидан шартнома асосида туризм намойиши объектларида жамоат тартибини сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш тартиби тўғрисидаги» низомлар тасдиқланган.

«Ички ишлар органларининг хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари томонидан шартнома асосида туристлар ва туристик

гуруҳларни кузатиб бориш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом»га кўра, туристларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкини турли тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳамда улар транспорт воситаларида ҳаракатланишлари давомида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Хавфсиз туризмни таъминлашни мувофиқлаштириш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан пиёда ва (ёки) махсус автотранспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади.

«Ички ишлар органларининг хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари томонидан шартнома асосида туризм намоиши объектларида жамоат тартибини сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом»га кўра, туризм намоиши объектларида жамоат тартибини сақлаш мақсадида Ички ишлар органларининг хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари шартнома асосида туризм намоиши объектларида жамоат тартибини сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатади.

Қуйидагилар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси қўриқлаш шаклининг вазибалари ҳисобланади:

– қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муҳим тоифаланган объектлар, давлат органлари жойлашган бино ва иншоотлар, аҳолининг уй-жойи ва автотранспорт воситаларининг қўриқловини амалга ошириш;

– қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жисмоний ва юридик шахсларнинг мулки, шунингдек жисмоний шахсларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш;

– қўриқловга олинган объектларга нисбатан амалга ошириладиган жинойт тажовузларнинг олдини олиш;

– қўриқловга олинган объектларга нисбатан амалга оширилган тажовузларни зудлик билан бартараф этиш, ҳуқуқбузарларни аниқлаш ва қўлга олиш ва бошқалар.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг қўриқлаш шакли қўйидаги имкониятларни беради:

– аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш;
– жисмоний ва юридик шахсларнинг мулки, шунингдек жисмоний шахсларнинг шахсий хавфсизлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга нисбатан ишончи ортишига эришиш;
– аҳолининг яшаш хонадонларига тажовузлар қилинишининг олдини олиш;

– қўриқловга олинган объектларга нисбатан тажовузлар амалга оширилганда бзага келган хавфни зудлик билан бартараф этиш, ҳуқуқбузарларни аниқлаш ва қўлга олиш чораларини амалга ошириш.

– жисмоний ва юридик шахсларнинг виктимлик даражаси (ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли)ни камайтириш;

– муайян ҳақ эвазига сутка давомида жисмоний ва юридик шахсларнинг мулки, шунингдек жисмоний шахсларнинг шахсий хавфсизлиги таъминлаш;

– қўриқланаётган объектда ҳуқуқбузарликлар содир этилган жойда жабрланган, шунингдек, ночор ҳолатдаги фуқароларга биринчи тиббий ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг қўриқлаш шаклини қўллашда қўйидагилар тақиқланади:

– томонларнинг қонун ҳужжатлари ва шартнома талабларини бузиши;
– тасдиқлаган кириб-чиқиш йўриқномасига асосан объектда ички ва рухсат бериш режимини бузиш;

– қўриқланаётган объектга нисбатан хўжасизлик ва бепарволик муносабатида бўлиш;

– қўриқланаётган объектда жинойт, маъмурий ҳуқуқбузарлик изларининг йўқолиб кетшига йўл қўйиш;

– ишониб топширилган табел қуроллари, махсус ва техник воситалар, шахсий ҳимоя воситалари, хизмат кийим-бошлар ва мол-мулкка эҳтиётсиз ва бепарво муносабатда бўлиш;

– қўриқланаётган объектдан мол-мулк, моддий бойликлар ва турли юкларни ноқонуний олиб чиқиш ёки олиб кириш.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида фуқароларнинг фаоллигини ошириш, ҳудудда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасидаги ишларни тизимли ташкил этиш мақсадида барча фуқаролар йиғинларида ташкил этилган Жамоатчилик назорати масканининг фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг қўриқлаш шакли сифатида келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 июль 497-сон қарорнинг 6-илоvasи билан тасдиқланган Жамоатчилик назорати маскани фаолиятини ташкил этиш тартибига биноан амалга оширади.

Ушбу тартибга кўра, маскан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида фуқароларнинг фаоллигини ошириш, ҳудудда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасидаги ишларни тизимли ташкил этиш мақсадида барча фуқаролар йиғинларида криминоген вазият, аҳоли зичлиги ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бошқа шарт-шароитлари инобатга олиниб, ҳудуддаги ички ишлар органи раҳбари билан келишилган ҳолда ташкил этилади, шунингдек масканни ташкил этиш ҳамда тугатиш шаҳар ва туман ҳокимларининг қарорлари билан амалга оширилади.

Демак, *ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг қўриқлаш шакли* – бу, марказий қўриқлаш пульти ёки қўриқлаш хизмати томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкларини ҳимоя қилиш, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш кабиларга йўналтирилган профилактик фаолият шаклидир.

9-§. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг қутқарув шакли тушунчаси, мазмуни ва қўлланилиши

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 26 декабрда қабул қилинган «Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида»ги қонуни билан қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг ташкил этилиши, фаолияти ва тугатилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солинади.

Қонунга кўра, фавқулодда вазиятлар зонасида одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлаш, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг мол-мулкани, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ва уларга хос бўлган хавфли омиллар таъсирини йўқотиш ёки имкон қадар камайтиришга қаратилган ҳаракатлар – қутқарув ишлари деб, тушунилади.

Қонун билан, қутқарувчиларга одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлаш учун ҳамда одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига бевосита таҳдид бўлган тақдирда, фавқулодда вазиятлар зонасидаги ташкилотларнинг алоқа воситалари транспорти, моддий ресурслари ва бошқа мол-мулкидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш ҳуқуқлари берилган (22-м.).

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 9 июлдаги 184-сон қарори билан «Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларни аттестациядан ўтказиш, қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом ҳамда «Қутқарувчиларнинг иш вақти (хизматни ўташ) режимини белгилаш ва уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш» қоидалари тасдиқланган.

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг (14.05.2014й.) ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси чора-тадбирлари белгиланган 44-моддасида ғайриижтимоий хулқ-атвор, тайёрланаётган, содир этилаётган ёки содир этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот олиш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса ҳузурида

ишонч, тезкор алоқа телефонларини, қутқарув хизматларини ташкил этиш белгиланган.

Қуйидагилар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси қутқарув шаклининг вазифалари ҳисобланади:

– фавқулодда вазиятларда, шунингдек аҳолининг ҳуқуқбузарликлардан жабрланиши хавфи юзага келганда кучлар ва қутқарув воситаларини тезкор ҳаракат қилишини таъминлаш;

– одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган профилактик ишларни амалга ошириш, шунингдек фавқулодда вазиятлар ҳамда ҳуқуқбузарликлардан жабрланиши хавфининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш;

– фавқулодда вазиятлар ҳамда ҳуқуқбузарликлардан жабрланиши хавфи юзага келган шароитда юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини, жисмоний шахсларнинг шахсий хавфсизлигини ҳамда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ишларини олиб бориш;

– аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлар ва ҳуқуқбузарликлардан жабрланиши хавфидан муҳофаза қилиш соҳасидаги билимларни тарғиб қилиш, аҳолини ҳамда корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ходимларини фавқулодда вазиятлар ҳамда ҳуқуқбузарликлардан жабрланиши хавфи юзага келган шароитда ҳаракат қилишга тайёрлаш;

– фавқулодда вазиятлар ҳамда ҳуқуқбузарликлардан жабрланиши хавфининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ҳаракатлар режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ва бошқалар.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг қутқарув шакли қуйидаги имкониятларни беради:

– фавқулодда вазиятлар ҳамда ҳуқуқбузарликлардан жабрланиши хавфи мавжуд зоналарда одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлаш, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг мол-мулкини, атроф табиий

муҳитни муҳофаза қилиш, юзага келган хавфли омиллар таъсирини йўқотиш ёки имкон қадар камайтириш юзасидан тезкор ҳаракатланиш;

– фавқулодда вазиятлар ҳамда ҳуқуқбузарликлардан жабрланиши хавфининг махсус тайёргарликка эга қутқарув хизматлари томонидан олдини олиш ва уларни бартараф этиш;

– одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш;

– аҳолида фавқулодда вазиятлар ҳамда ҳуқуқбузарликлардан жабрланиши хавфи юзага келган шароитларда ўзини йўқотиб қўймасдан ишонч, тезкор алоқа телефонлари орқали қутқарув хизматларига ғайриижтимоий хулқ-атвор, тайёрланаётган, содир этилаётган ёки содир этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот бериш, шунингдек ўзини ўзи мудофаа қилиш усуллари ва воситалари тўғрисида хабардор қилишга доир билим ва кўникмаларни шакллантириш ва бошқалар.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг қутқарув шаклини қўллашда қуйидагилар талаб этилади:

– фавқулодда вазиятлар ҳамда ҳуқуқбузарликлардан жабрланиши хавфини бартараф этиш бўйича қутқарув ишларини олиб бориш технологиясига қатъий риоя этиши;

– фавқулодда вазиятлар ҳамда ҳуқуқбузарликлардан жабрланиши хавфи юзага келган шароитда жабрланганларни қидириш, уларни қутқариш чораларини кўриш, уларга биринчи тиббий ёрдам ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатиш;

– қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг раҳбарлари томонидан қабул қилинадиган қарорларни сўзсиз бажариш;

– фавқулодда вазиятлар ҳамда ҳуқуқбузарликлардан жабрланиши хавфи вужудга келишини олдини олиш мақсадида фуқароларга бехатар юриш-туриш қоидаларини ва фавқулодда вазиятлар рўй берган тақдирда бажариладиган ҳаракатлар тартибини тушунтириш.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 19-моддаси ва Жиноят кодекснинг 38-моддасида назарда тутилган, шахснинг ёки бошқа фуқароларнинг шахсига ёхуд ҳуқуқларига, жамият ёки давлат манфаатларига таҳдид солувчи хавфни қайтариш учун қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказган ҳолда жисмоний шахслар томонидан содир этилган қилмишни, яъни охириги заруратни ҳам профилактиканинг кўриқлаш шакли сифатида эътироф этиш мумкин. Чунки, қонун ҳужжатларига биноан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фуқаролар ҳам иштирок этиши мумкин. Аммо ушбу вазиятда, мавжуд хавфни ўша ҳолатда бошқа чоралар билан қайтаришнинг иложи бўлмаслиги ҳамда келтирилган зарар олди олинган зарарга қараганда камроқ бўлиши талаб этилади. Акс ҳолда қилмиш маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят деб топилади ва жазога сазовор бўлади.

Демак, *ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг қутқарув шакли* – бу, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун талаблари асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса ҳузурида ташкил этиладиган қутқарув хизматлари ёки жисмоний шахсларнинг фавқулодда вазиятлар ҳамда ҳуқуқбузарликлардан жабрланиши хавфи мавжуд зоналарда одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлаш, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг мол-мулкани, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, юзага келган хавфли омиллар таъсирини тезкорлик билан бартараф этиш ёки имкон қадар камайтиришга йўналтирилган чора-тадбирларнинг йиғиндисидир.

10-§. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг белгилли шакли тушунчаси, мазмуни ва қўлланилиши

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг *белгилли шакли* кўرғазмали шаклга ўхшаб кетсада, у кўрғазма учун эмас, балки муайян тартиб-

қоидаларга амал қилишни таъминлаш мақсадида фойдаланилиши билан фарқланади.

Ушбу шакл асосан йўл ҳаракати хавфсизлигига оид, шунингдек белгиланмаган жойда таъмаки маҳсулотларинини чекмаслик, ахлат тўкмаслик, тақиқланган объектларга кирмаслик каби талабларнинг бажарилишини таъминлашда кенг фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 июлдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3127-сон қарорида «йўлларни сақлаш ва уларни йўл белгилари, ахборот кўрсаткичлари, йўл ҳаракатини тартибга солишнинг бошқа техник воситалари билан жиҳозлаш бўйича ўрнатилган талабларга сўзсиз риоя этилишини таъминлаш» йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминловчи Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг энг муҳим вазифаларидан бири этиб белгиланди.

Шунингдек, қарорда айни пайтдаги йўл белгиларини ўрнатиш аҳволи танқид остига олиниб, Ўзбекистонда «Uzavtoyolbelgi» давлат унитар корхонаси ташкил этилди.

Ушбу корхонанинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ҳузурида «Uzavtoyolbelgi» Давлат унитар корхонаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 784-сон қарорига асосан ташкил этилади.

Бу борада, «йўлларни сақлаш ва уларни йўл белгилари, ахборот кўрсаткичлари, йўл ҳаракатини тартибга солишнинг бошқа техник воситалари билан жиҳозлаш бўйича ўрнатилган талабларга сўзсиз риоя этилишини таъминлаш» Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг энг муҳим вазифаларидан бири этиб белгиланди.

Дарҳақиқат, йўл белгиларининг аниқ ва кўринарли тарзда жойлашуви, уларни нур қайтарувчи махсус қопламалардан фойдаланилган ҳолда

тайёрланиши ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириб, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга катта хизмат қилади.

Шу боисдан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 апрелдаги «**Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**»ги 221-сон қарориди «стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ йўл белгилари, ахборот кўрсаткичлари, йўлларда ҳаракатланишни тартибга солишнинг бошқа техник воситалари ишлаб чиқарилишини ташкил этиш» Қўмитанинг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган.

Ушбу вазифа ижросини таъминлаш учун Қўмита қуйидаги функцияларни амалга оширади:

- автомобиль йўлларини йўлларда ҳаракатланишни тартибга солишнинг техник воситалари билан жиҳозлаш соҳасида ягона техник сиёсатни амалга ошириш;

- стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ йўл белгилари, ахборот кўрсаткичлари, йўлларда ҳаракатланишни тартибга солишнинг бошқа техник воситаларини ишлаб чиқариш;

- йўлларни белгилаш учун мустаҳкам материаллар ишлаб чиқариш, автомобиль йўлларида узоқ муддат фойдаланишни таъминловчи йўл белгилари чизиш;

- Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масалаларида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 июлдаги «Автомобиль йўллари инфратузилмасини янада ривожлантириш ва йўл ҳаракатини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 584-сон қарориди автомобиль йўлларини қулай ва шинам қилиш, йўл ҳаракатини ахборотлар билан таъминлаш, йўл бўйидаги

инфратузилмани халқаро стандартлар талабларига мувофиқ ривожлантириш билан боғлиқ кўплаб масалаларга ҳанузгача лозим даражада эътибор қаратилмаётганлиги танқид остига олинди.

Бу каби ҳолатнинг асосий сабабларидан бири сифатида қуйидагилар кўрсатиб ўтилди.

биринчиси, автомобиль йўлларини қулай ва шинам қилиш ҳамда ривожлантиришга доир норматив ҳужжатлар халқаро стандартларнинг замонавий талабларига мос келмаслиги (Бунга мисол қилиб, 1970 — 80 йилларда ишлаб чиқилган амалдаги стандартларни янгилаш, шу жумладан светофор билан тартибга солиш, йўлдаги тўсиқларни, йўл устига чизиклар тортиш ва йўл белгиларини қўллашга доир стандартларни янгилаш талаб этилиши келтириб ўтилди);

иккинчиси, йўл белгиларини ишлаб чиқариш ва ўрнатишга доир ишларни ташкил этиш ҳамда ўтказишга, йўл устига нур қайтарувчи хусусиятга эга замонавий технологиялар асосидаги бўёқдан, шунингдек, бошқа сифатли материаллардан фойдаланган ҳолда ўчиб кетмайдиган чизиклар тортишга тизимли ёндашилмаётганлиги (Бу борада Республика автомобиль йўлларида ўтказилган хатлов натижаларига кўра 70 мингдан ортиқ эскирган йўл белгиларини алмаштириш, шунингдек, қўшимча равишда 136 мингдан зиёд янги кўрсаткичлар ўрнатиш зарурлиги аниқланган);

учинчиси, автомобиль йўлларини, айниқса халқаро аҳамиятга молик автомобиль йўлларини кўрсаткич белгилари билан, шу жумладан чет тиллардаги кўрсаткич белгилари билан жиҳозлаш бўйича ишлар етарли даражада ташкил этилмаганлиги;

тўртинчиси, йўл инфратузилмасини ривожлантириш соҳасида малакали кадрлар етишмаслиги, йўл ҳаракатини тартибга солиш соҳасида шу соҳага ихтисослашган етакчи хорижий ташкилотлар билан тажриба алмашишни ташкил этишга доир ишлар тизимли олиб борилмаётганлиги.

Шу тариқа, «йўл ҳаракати иштирокчиларини йўналиш бўйлаб сифатли навигация билан таъминлайдиган йўл белгилари ва ахборот

кўрсаткичларини, шу жумладан чет тиллардаги йўл белгилари ва ахборот кўрсаткичларини етарли миқдорда ўрнатиш орқали «гапирадиган йўл» принципи бўйича йўл ҳаракати иштирокчиларининг хабардорлигини ошириш» 2018–2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепцияси доирасида йўл инфратузилмасини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланди.

Мазкур қарор билан, Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси таркибида автомобиль йўлларини йўл белгилари билан жиҳозлаш, йўл устига чизиқлар тортиш ва йўл ҳаракатини тартибга солувчи бошқа элементлар ўрнатиш бўйича илғор хориж амалиётини қўллаш асосида лойиҳавий ишларни ташкил этишнинг замонавий технологиялари ҳамда прогрессив усулларини жорий этган ҳолда йўл инфратузилмаси лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун жавоб берадиган «Ўзйўллойиҳа» лойиҳа-қидирув институти» давлат унитар корхонаси ташкил этилди.

Кўришиб турганидек, профилактиканинг белгили шакллар орасидан фақатгина йўл белгиларига нисбатан қонуний талаблар, тартиб-қоидалар мавжуд. Ваҳоланки, белгили шаклнинг бошқа кўринишлари бўйича ҳам бу каби талаб ва тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиш талаб этилади. Акс ҳолда уларнинг профилактик таъсирчанлигига эришиб бўлмайди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, қуйидагилар ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг белгили шакли вазифалари ҳисобланади:

– аҳолидан муайян ҳаракатларни бажариш ёки бажармасликни талаб қилиш (Мисол учун, муайян йўлак ёки кўчадан юришни, шунингдек таъмаки маҳсулотларининг чекмаслик, ахлат тўкмасликни талаб қилиш);

– айрим ижтимоий муносабатларни тартибга солиш (Мисол учун, автомобиль йўлларида транспорт воситасини бошқарувчи (ҳайдовчи) ёки пиёдаларнинг ҳаракатланиши, умумий овқатланиш жойларида хўранда, жамоат транспортдан фойдаланишда йўловчиларнинг тамаки маҳсулотларини чекмаслиги ёки спиртли ичимликлар ичмаслиги, муайян

жойларда ёхуд муддатларда, қуроллар ёки воситалар билан ов қилиш ёки балиқ овлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тартибга солинади);

– аҳолига муайян объект ҳақида маълумот бериш (огоҳлантириш) (Мисол учун, автотранспорт воситасини ногирон ёки аёл киши бошқараётганлиги, муайян масофадан кейин фоторадар ёки видеорегистратор ўрнатилганлиги ёхуд қайрилиш жой борлиги, мактаб ёки боғча жойлашганлиги кабилар ҳақида).

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг қутқарув шакли қуйидаги имкониятларни беради:

– куч ва воситаларни тежаш;

– муайян объект ҳақида маълумот бериш (огоҳлантириш) орқали аҳолини хушёрликка чақириш, вужудга келиши мумкин бўлган хавфнинг олдини олиш;

– аҳолини тартибга чақириш (Мисол учун, кўчалар, хиёбонларда 24 соат давомида видеокузатув амалга оширилаётганлигини маълум қилувчи белгининг ўрнатилиши аҳолини ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракатлардан тийилишга ундайди);

– ижтимоий муносабатларни тезкор тартибга солиш.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг белгили шаклини қўллашда қуйидагилар талаб этилади:

– белгининг барча учун кўринарли жойга ўрнатилиши;

– белгининг барча учун тушунарли шакл ва мазмунга эга бўлиши;

– белгиларни тайёрлаш, ўрнатиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши;

– йўл-транспорт ҳодисаларининг профилактикаси ҳамда йўл ҳаракатини ташкил қилишга оид хорижий тажрибани жорий этиш, мавжуд ижобий тажрибаларни оммалаштириб бориш ва бошқ.

Демак, *ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг белгили шакли* – бу, қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва шартларда ишлаб чиқилган ва ўрнатилган муайян белгилар орқали аҳолининг жамиятда муайян ҳаракатни

бажариш ёки бажармаслигини талаб қилиш, муайян ҳодиса ёки объект ҳақида маълумот бериш орқали ҳуқуқбузарлик ёки ғайриижтимоий ҳуқуқ-атврни олдини олишга йўналтирилган чора-тадбирлар тизимидир.

Хуллас, профилактиканинг ҳар бир шакли ўзига хос мазмун ва моҳиятга эга. Бу ҳақдаги билимларни пухта ўзлаштирмасдан туриб, уларни самарали қўллаб, ва кутилган натижага эришиб бўлмайди.

II БОБ. ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ УСУЛЛАРИ

1-§. Хуқуқбузарликлар профилактикасининг усули тушунчаси ва турлари

Хуқуқбузарликларнинг профилактикаси хусусиятларини очиб беришда бевосита унинг усул ва шаклларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Бинобарин, ҳар бир фаолият ўз усул ва шаклига эга бўлиб, уларнинг қай даражада пухта ишлаб чиқилганлиги ва қўлланилиши фаолият самарадорлигини кафолатлайди.

«Усул» ўзбек тилининг изоҳли луғатида, бирор бир нарсани юзага чиқариш, амалга ошириш йўли, ҳаракатланиш тарзи, тартиби деган маъноларни англатади¹.

Одатда, усуллар бир-биридан ажралган ҳолда қўлланилмайди. Чунки усуллар ягона вазифа – хуқуқбузарликлар профилактикасини бошқариш ва профилактик таъсир кўрсатиш объектларига профилактик таъсир кўрсатиш мақсадига эришишга хизмат қилади. Демак, хуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари ёки профилактик таъсир кўрсатиш объектларига нисбатан бир вақтнинг ўзида бир неча усуллар қўлланилиши мумкин. Бироқ барча усуллар ўз мазмуни, мақсадга йўналганлиги ва ташкилий шаклига кўра амалдаги қонунчиликка тўғри бўлиши зарур.

Ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишга доир усуллар асосан, ушбу соҳанинг бошқарув фаолиятида кенг қўлланилиб, одатда, ушбу усуллар бошқарув усуллари деб талқин этиб келинган. У.Таджиханов, С.Ахмедоваларнинг таъкидлашларича, бошқарув усули - бошқарув мақсади, вазифалари ва фаолиятининг амалий бажарилиш тарзидир. Бошқарув усулининг мазмуни қандай оқилона йўллар билан бошқарув мақсадига эришиш, бошқарув фаолиятини амалга ошириш мумкин деган саволга жавоб

¹ Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. IV. Тартибот-Шукр / Таҳрир хайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. Ўз. Рес. ФА Тил ва адабиёт ин-ти. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. – 303 б.

беради¹. Ушбу ёндашувни Ю.С. Пулатов, И.У. Исмаилов, А. Қурбоновлар ҳам тўлиқ қўллаб-қувватлайдилар².

Д.С. Муҳамадалиев эса бошқарув усулларини «рахбарларнинг бошқарув фаолиятининг асосий мақсадларига амалий эришишлари ва асосий функцияларини амалга оширишининг аниқ усуллари дир» деб тушунади.

Кўриниб турибдики, мазкур таърифлар бир-бирини тўлдиради, уларнинг бир бутунлиги ва мукамаллигини, «бошқарув усуллари – бошқарув фаолиятининг асосий мақсадларига оқилона йўллар билан амалий эришишни ҳамда асосий функцияларнинг амалга оширишини таъминловчи аниқ методлар дир» мазмунида таъриф бериш билан таъминлаш мумкин.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг усуллари мазмуни ва моҳиятини ёритишда бошқарув усулларининг моҳиятига мурожаат қилишимиздан мақсад шуки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бошқариш усуллари мазмунан айнандир. Чунки бошқарувнинг умумназарий усуллари барча соҳа, шу жумладан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасига бирдек дахлдор дир. Демак, *ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг усуллари* – бу, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бошқаришнинг асосий мақсадларига амалий эришишни, асосий функцияларининг амалга оширилишини ҳамда самарали профилактик таъсир кўрсатишни таъминлаш йўллари дир.

Айрим адабиётларда бошқарув усулларини таснифлашнинг энг аниқ мезони сифатида бошқарув субъекти таъсирининг бевосита ва билвосита бўлиши назарда тутилади³.

Шу билан бирга, инсонларнинг онги ва иродасига таъсир кўрсатишнинг иккита универсал усули – *ишонтириш* ва *мажбурлаш* усуллари эътироф

¹ Таджиханов У., Аҳмедова С. Ички ишлар органларида бошқарувни ташкил этиш асослари: Дарслик. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2001. – 91 б.

² Пулатов Ю. С., Исмаилов И. У., Қурбонов А. Ички ишлар органларида бошқарув асослари: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. – 73 б.

³ Таджиханов У., Аҳмедова С. Ички ишлар органларида бошқарувни ташкил этиш асослари: Дарслик. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2001. – 93 б.

этилади¹. Ушбу усулларнинг ички ишлар органлари фаолиятида қўлланилиши В.П.Сальников ва В.П.Федоровларнинг «Ички ишлар органлари фаолиятида ишонтириш ва мажбурлаш» номли монографиясида батафсил тадқиқ этилган².

Х.Т.Одилқориев ишонтириш, огоҳлантириш, рағбатлантириш, мажбурлаш ва жазолашни ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда фойдаланиладиган усуллар сифатида келтириб ўтади³. Демак, ушбу усуллар таъсир кўрсатишнинг энг мақбул усуллари дир. Улар бошқарувда ҳам, ҳуқуқий тарбияда ҳам ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ҳам бирдек самара беради.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида асосан ишонтириш, рағбатлантириш ва мажбурлаш усуллари кенг қўлланилиб келинган, олиб борилган тадқиқотларда ҳам айнан мазкур усулларнинг самарадорлигини таъминлаш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилганлиги кўзга ташланади⁴.

Ўрганилган адабиётларда ишонтиришнинг асосий тур (мезон)лари сифатида тушунтириш, муҳокама қилиш, тарғибот-ташвиқот, огоҳлантириш, ижобий тажрибани намоён этиш, тақдирлаш кабилар, мажбурлаш методи тур (мезон)ларига эса, интизомий, маъмурий, моддий ва жиной мажбурлов чоралари келтирилади⁵.

¹ Таджиханов У., Ахмедова С. Ички ишлар органларида бошқарувни ташкил этиш асослари: Дарслик. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2001. – 96 б.; Алимов Х. Р., Махмудов А. А., Исмоилов Н. Т. Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик / Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори, профессор У. Таджиханов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2002. – 78 б.; Пулатов Ю. С., Исмоилов И. У., Қурбонов А. Ички ишлар органларида бошқарув асослари: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. – 75 б.; Мухамадалиев Д.С. Ички ишлар идораларининг бошқарув фаолияти. 1-қисм: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 44 б.; Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик / Н. Т. Исмоилов, Ў. Х. Мухамедов, А. С. Турсунов ва бошқ.; Ш. Т. Икрамов ва И. А. Хамедов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 169 б.

² Сальников В.П., Федоров В.П. Убеждение и принуждение в деятельности органов внутренних дел. Монография. – Л., 1989.

³ Одилқориев Х.Т., Тультеев И.Т. ва бошқ. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Тошкент: «Шарқ». 2009. – 308-б.

⁴ Каньгин В.И. Проблемы комплексного анализа и предупреждения преступности в регионе (по материалам Приволжского федерального округа): Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Нижний Новгород, 2002. – 8 с.

⁵ Таджиханов У., Ахмедова С. Ички ишлар органларида бошқарувни ташкил этиш асослари: Дарслик. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2001. – 97 б.; Алимов Х. Р., Махмудов А. А., Исмоилов Н. Т. Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик / Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори, профессор У. Таджиханов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2002. – 87-90 б.; Пулатов Ю. С., Исмоилов И. У., Қурбонов А. Ички ишлар органларида бошқарув асослари: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. – 76 б.; Мухамадалиев Д.С. Ички ишлар идораларининг бошқарув фаолияти. 1-қисм: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 44 б

Бирок, биз ҳуқуқбузарликлар профилактикаси нуқтаи назаридан мазкур ёндашувга қўшилмаймиз. Негаки, *биринчидан*, ишонтиришнинг асосий тур (мезон)лари сифатида тушунтириш, муҳокама қилиш, тарғибот-ташвиқот ҳуқуқбузарликлар профилактикасида чора-тадбир сифатида талқин этилган; *иккинчидан*, тушунтириш ва огоҳлантиришни алоҳида усул сифатида эътироф этиш лозим; *учинчидан*, ишонтириш моҳиятан кенг тушунча бўлиб, профилактиканинг барча чора-тадбирлари мазмунида, ҳаттоки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг огоҳлантириш, рағбатлантириш, мажбурлаш усулларининг мазмунида ҳам ўз ифодасини топиши керак. Айнан шунинг учун ҳам, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасида «ишонтириш усулининг устуворлиги» махсус принцип сифатида киритилган.

Юқоридагиларга асосланиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, профилактик усулларнинг қуйидаги таснифини тавсия этамиз:

- 1) тушунтириш;
- 2) огоҳлантириш (норасмий, расмий);
- 3) ишонтириш;
- 4) рағбатлантириш (моддий, маънавий, аралаш);
- 5) мажбурлаш (интизомий, маъмурий, моддий ва жиноий мажбурлаш чораларини қўллаш).

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси усуллари тизимида келтирилган ҳар бир усул ўзининг мазмун ва моҳияти, шунингдек қўлланиш тартиби ва шартларига эга. Қуйида биз айнан шу ҳақда тўхталамиз.

2-§. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тушунтириш усулининг тушунчаси, мазмуни ва қўлланилиши

Ҳуқуқий адабиётларда айнан «тушунтириш» тушунчасига берилган таърифни кузатиш қийин.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «тушунтириш» тушунчасига – «бирор гап, ҳужжат ва шу кабиларнинг маъносини очиш, оидинлаштириш учун берилган оғзаки ёки ёзма изоҳ, шарҳ» мазмунида изоҳ берилган.

Бироқ «тушунтириш» нафақат изоҳ ёки шарҳ бериш, балки инсон онгига билим ёки кўникмаларни сингдиришда ҳам намоён бўлади.

Бунда, изоҳ ёки шарҳ бериш бирор гап, ҳужжат ва шу кабиларнинг маъносини очиш, оидинлаштириш мақсадини кўзласа, инсон онгига билим ёки кўникмаларни сингдириш эса, инсонда муайян билим ёки кўникмаларни шакллантириш ёхуд ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Мазкур мазмунга асослансак, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 23-моддасида ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг чора-тадбирларидан бири тариқасида назарда тутилган «аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот»нинг моҳиятида тушунтириш ётганлиги оидинлашади.

Чунки, «тарғибот» сўзининг ўзаги «тарғиб» бўлиб, «тарғиб» хоҳишни, қизиқишни кучайтириш, шунингдек тарғиб қилмоқ – **чуқур тушунтириш йўли (усули) билан** бирор ғоя, таълимот ва шу кабиларни ёймоқ, кишиларнинг онгига сингдирмоқ, шунингдек **тушунтириш йўли (усули) билан** бирор ишга чақирмоқ, даъват этмоқ маъноларини англатса, «тарғибот» эса бирор ғоя, таълимот ва шу кабиларни ёйишга, кишилар онгига сингдиришга қаратилган ишлар, тарғиб ишлари маъносини англатади¹.

Демак, «тарғиб» муайян иш, ҳаракатни билдирса, «тарғибот» кенгрок тушунча бўлиб, шу каби иш ва ҳаракатлар мажмуини ўзида ифодалайди.

Аҳоли ўртасида амалга ошириладиган ҳуқуқий тарғиботда тушунтириш профилактиканинг нафақат ёзма ва оғзаки, балки бошқа барча шакллари орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Бу эса, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида тушунтириш усулини самарали қўллаш учун нафақат

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортик сўз ва сўз бирикмаси. Ж.ІV. Тартибот–Шукр / Таҳрир хайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. Ўз. Рес. ФА Тил ва адабиёт ин-ти. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. – 6 (608) б.

ушбу усулга, балки профилактика шаклларига нисбатан қўйилган талаб ва шартларга ҳам амал қилиш зарур ҳисобланади.

Қуйидагилар ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тушунтириш усули вазифалари ҳисобланади:

– аҳолига ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир масалаларнинг мазмун-моҳиятини етказиш;

– аҳолининг ҳуқуқий онг ва маданиятини юксалтириш;

– ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга ўз ҳаракатларининг ҳуқуққа, ахлоққа, кадриятларга (умуминсоний, миллий, диний, маҳаллий, оилавий) зидлигини англаштириш.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тушунтириш усули қуйидаги имкониятларни беради:

– аҳолининг онгли равишда қонун-қоидаларга амал қилиш;

– ҳуқуқий нигилизмга барҳам бериш;

– профилактик мақсадга мажбурлаш усулини қўлламаздан эриштириш;

– ҳуқуқбузарликни унинг ҳуқуқий оқибатини билмасдан содир этганлик бўйича ҳуқуқбузарларнинг вазини инкор этиш.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тушунтириш усулини қўллашда қуйидагилар талаб этилади:

– тушунтириш аҳолининг қайси қатламга нисбатан амалга амалга оширилишини аниқлаштириш;

– қайси масалалар қандай тартиб ва шаклларда тушунтирилишига ойдинлик киритиш;

– тушунтиришда аҳолининг ёши, жинси, маълумоти, касби, қизиқишларини эътиборга олиш;

– тушунтиришда қўлланиладиган профилактик шаклларнинг талаб ва шартларини билиш;

– тушунтиришдан сўнг аҳоли (муайян шахс(лар) тушунтирилган нарсани қай даражада тушунганлигига ойдинлик киритиш, йўл қўйилган камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўриш ва бошқ.

Демак, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тушунтириш усули – бу, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид тушунча, ҳужжат ва шу кабиларга ойдинлик киритиш, изоҳ бериш ёки шарҳлаш, аҳолининг ҳуқуқий онг ва маданиятини юксалтириш каби профилактик мақсадларга эришиш йўлидир.

3-§. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг огоҳлантириш усулининг тушунчаси, мазмуни ва қўлланилиши

«Тушунтириш» усули сингари «огоҳлантириш» усули тушунчасига нисбатан берилган таърифни ҳам ҳуқуқий адабиётларда кузатиш қийин. Шу боис ўзбек тилининг изоҳли луғатида огоҳлантиришга – «маълум иш-ҳаракат ҳақида хабардор, огоҳ қилиш» мазмунида изоҳ берилган.

Демак, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида огоҳлантириш профилактик мазмунга эга иш-ҳаракат ҳақида хабардор қилиш ва огоҳ қилишдан иборат.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида огоҳлантириш усули қуйидаги профилактик чора-тадбирларда намоён бўлади:

- 1) оғзаки огоҳлантириш;
- 2) ёзма огоҳлантириш;
- 3) расмий огоҳлантириш;
- 4) ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида *оғзаки огоҳлантириш* аҳолини суҳбат, маъруза, савол-жавоб, аудио ёзувли эълон ва огоҳлантирув чақириқларини эшиттириш, радиода қилинган чиқишлар орқали профилактик мазмунга эга масалалар бўйича оғзаки хабардор қилиш, шунингдек жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидлар ёки ғайриижтимоий хулқ-атвори давом эттирганлик муайян таъсир чоралари

қўлланилишига ёхуд ҳуқуқбузарлик содир этганлик жавобгарликка тортишга сабаб бўлиши ҳақида оғзаки равишда огоҳ қилиш каби профилактик чора-тадбирларда намоён бўлади.

Бу борада бозорларда ва бошқа савдо шохобчаларида нарса-буюмларнинг йўқолиши ва ўғирланиши ҳамда ёш болаларнинг йўқолиб қолишининг олдини олиш мақсадида фуқароларни доимий равишда огоҳликка чақириб турувчи аудио ёзувларни эшиттиришни йўлга қўйиши яхши натижа беради.

Ёзма огоҳлантиришида эса огоҳлантириш ёзма равишда амалга оширилиб, бу одатда, огоҳлантириш хатларини юбориш, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидлардан огоҳлантириш учун одамлар гавжум жойларига (жамоатчилик транспорти (метро, автобус, поезд кабилар) ёзма эълонларни осийш, газета ва журналларда мақола ва эълонлар чоп этиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиш сингари профилактик чора-тадбирларда ифодаланади.

Расмий огоҳлантириш шахс ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори ёки содир этган ҳуқуқбузарлигининг моҳиятини англаб етмаган ва пушаймон бўлмаган ҳолларда қўлланилади.

Ушбу ҳолатда шахс жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи, ҳаракати ёки ҳаракатсизлигини ёхуд ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахс деб топилади ҳамда шу жойнинг ўзида ушбу шахсга нисбатан расмий огоҳлантириш чиқарилади.

Расмий огоҳлантириш шахсга унинг ғайриижтимоий хулқ-атворни давом эттиришига йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида ёзма равишда тушунтиришдан, шунингдек ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсни ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантиришдан иборат бўлади. Расмий огоҳлантириш бланкаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 2017 йил 7 февралдаги «Хуқукбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасаларнинг мансабдор шахслари томонидан чиқариладиган расмий огоҳлантириш шакли^{*} ни ҳамда уни чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори билан тасдиқланган.

Расмий огоҳлантириш бланкаси қатъий ҳисобда турувчи хужжат ҳисобланиб, серия ва рақамига эга бўлади ҳамда Ички ишлар вазирлиги томонидан қуйи турувчи тизимлар учун марказлаштирилган ҳолда, белгиланган тартибда тайёрланади.

Расмий огоҳлантириш хуқукбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг хуқукбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикасини амалга оширишга масъул бўлган мансабдор шахси (кейинги ўринларда масъул шахс деб юритилади) томонидан чиқарилади.

Ички ишлар органларида расмий огоҳлантиришни чиқариш ваколатига эга бўлган мансабдор шахслар рўйхати ИИВнинг тегишли буйруғи билан тасдиқланади.

Расмий огоҳлантириш масъул шахс томонидан ўз хизмат вазифасини бажараётган пайтда, олиб борилаётган профилактик тадбирлар жараёнида, шунингдек қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда чиқарилади.

Расмий огоҳлантириш бланкасининг шакли икки, яъни фуқарога тақдим қилинадиган расмий огоҳлантириш ҳамда масъул шахсда қоладиган унинг қирқиб олинадиган қисмидан иборат бўлиб, расмий огоҳлантириш бланкаси расмийлаштирилганда унга барча ёзувлар қора ёки ҳаворанг сиёҳда, тушунарли қилиб ёзилиши талаб этилади.

Масъул шахс расмий огоҳлантириш бланкасини расмийлаштираётган пайтда шахснинг ёнида унинг шахсини тасдиқловчи хужжат бўлмаса, расмий огоҳлантириш бланкасининг тегишли графалари шахснинг сўзлари орқали

^{*} Тасдиқланган расмий огоҳлантириш шакли иловада келтирилган.

тўлдирилади ва бланка расмийлаштирганидан сўнг масъул шахс уни имзолайди.

Расмий огоҳлантириш бланкасининг қирқиб олинадиган қисми расмий огоҳлантирилаётган шахс томонидан ҳам имзоланади, агар у имзо қўйишдан бош тортса, расмий огоҳлантириш бланкасига бу ҳақда ёзиб қўйилади.

Расмий огоҳлантириш бланкаси расмийлаштирилганидан сўнг расмий огоҳлантирилган шахсга берилади, унинг қирқиб олинадиган қисми масъул шахсда қолади.

Ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш – ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ёки унда иштирок этувчи орган ёки муассасаларнинг ваколати (ҳуқуқи) ҳисобланиб, бунда ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар бўйича уларнинг иш (ўқиш) жойидаги иш берувчи (маъмурият) ёки яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ва содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ҳолатлари, шунингдек уларга имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитлар ҳақида хабардор қилинади.

Ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахснинг иш (ўқиш) жойидаги иш берувчига (маъмуриятга) ёки яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига қуйидаги ҳолларда хабар қилишга ҳақли:

– шахс ғайриижтимоий хулқ-атворга эга эканлигини англаб етмаган ва қилган ишидан пушаймон бўлмаган ҳолларда;

– шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атвори унинг иш (ўқиш) жойидаги жамоага, шунингдек яшаб турган жойидаги маҳалла фуқароларининг тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид солиши ёки тарбияси ва руҳиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолларда;

– шахсда ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ёки ҳуқуқбузарлик содир этишга мойилликнинг шаклланишига тўртки берган омил ёхуд шахснинг

ҳуқуқбузарлик содир этишига имкон берган шарт-шароит бевосита унинг иш (ўқиш) жойидаги жамоа ёки яшаш жойидаги фуқароларнинг муносабати ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳаракатсизлиги (бефарқлиги, лоқайдлиги) билан боғлиқ бўлган ҳолларда.

Мазкур ҳолатда содир этилган ҳуқуқбузарликнинг сабаби ва шарт-шароитлари бевосита ғайриижтимоий хулқ-атворли шахс, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахснинг ўқиш, иш ёки яшаш жойидан биридаги муҳитга тўғридан-тўғри (бевосита) алоқадор бўлмаслиги мумкин. Ва айнан шунинг учун ҳам хабардор қилинувчи ғайриижтимоий хулқ-атворли шахс, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган қўл остидаги ходим, назоратидаги ўқувчи ва маҳалла фуқаросининг жамоа муҳитига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилади. Бу борада улар берилган хабар асосида ички имконияти ёки меҳнат келишувига биноан шартномани бекор қилиши, мураббий бириктириши ёки якка тартибдаги тарбиявий ишларни олиб бориши ёхуд бошқа ҳаракатларни амалга оширишлари мумкин ҳисобланади.

Қуйидагилар ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг огоҳлантириш усули вазифалари ҳисобланади:

– аҳолини профилактик мазмунга эга масалалар, хусусан, жамоат ҳавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидлар бўйича оғзаки хабардор қилиш;

– ғайриижтимоий хулқ-атворни давом эттириш муайян таъсир чораларини қўллашга ёхуд ҳуқуқбузарлик содир этганлик жавобгарликка тортишга сабаб бўлиши ҳақида оғзаки равишда огоҳ қилиш;

– аҳолининг ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимолини (виктимлигини) камайтириш;

– ғайриижтимоий хулқ-атворга эга ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга индивидуал профилактик таъсир кўрсатиш.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг огоҳлантириш усули қуйидаги имкониятларни беради:

– аҳолининг жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидлардан ҳимояланиш бўйича шахсий чораларни ишлаб чиқиш;

– ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш;

– кам куч ва вақт сарфлаш.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг огоҳлантириш усулини қўллашда қуйидагилар талаб этилади:

– огоҳлантиришни қонун ҳужжатлари талаблари асосида амалга ошириш;

– жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидлар реал мавжудлигига ишонч ҳосил қилиш;

– жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидлар ҳақида хабар берилаётганда имкон қадар аҳолини ваҳимага солмаслик;

– огоҳлантириш оғзаки баён этилганда нутқнинг равон, фикрнинг аниқ ва қисқа бўлиши;

– огоҳлантириш ёзма равишда билдирилганида ёзувлар хатосиз, фикрлар аниқ ва қисқа, хулосалар асослантилган бўлиши ва бошқ.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг *огоҳлантириш усули* – бу, аҳолини профилактик мазмунга эга масалалар, хусусан, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидлар бўйича оғзаки хабардор қилиш, шунингдек ғайриижтимоий хулқ-атворни давом эттириш муайян таъсир чораларини қўллашга ёхуд ҳуқуқбузарлик содир этганлик жавобгарликка тортишга сабаб бўлиши ҳақида оғзаки равишда огоҳ қилиш каби профилактик мақсадларга эришиш йўлидир.

4-§. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ишонтриш усулининг тушунчаси, мазмуни ва қўлланилиши

Илмий ва диний адабиётларда «ишонч»нинг негизида беқиёс куч манбаи мавжудлигига доир диний ва дунёвий қарашлар учрайди.

Диний ёндашув ҳар қандай эътиқод замирида, ҳаттоки қилинган амалларнинг савоб ёки гуноҳ эканлигини белгилашда ҳам ишонч катта рол ўйнашини, ишонч йўқ жойда чин эътиқод ҳам бўлмаслигини эътироф этади.

Дунёвий билимлар эса муайян мақсадга эришиш ва қийинчиликларни енгишга, муносабатларнинг самимий ва бардавом бўлишига ишонч орқали эришиш мумкинлигини талқин этади.

Дарҳақиқат, ишонч муносабатларнинг нафақат давомийлигига, балки бу борада илк алоқаларнинг ўрнатилиши ҳамда томонлар ўртасида манфаатдорликнинг юзага келишида ҳам реал манба бўлиб хизмат қилади. Чунки инсон ўзга бир инсонга ишонмас экан, унда у ушбу шахснинг сўзига, фикр ва қарашларига, мақсад ва муддаоларига бефарқ бўлади. Бу эса ҳуқуқбузарликлар профилактикасида профилактика субъектлари ва объектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларга ҳам дахлдордир.

Зеро, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ёки унда иштирок этувчи субъект, борди-ю ижтимоий-ҳуқуқий муносабатга киришаётганда профилактиканинг объектларида (ғайриижтимоий хулқ-атворда бўлган, ҳуқуқбузар, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ҳамда виктимлиги юқори бўлган шахсларда) ўзаро ишончни уйғота олмас экан, унда улар ўртасида олиб борилган ҳар қандай профилактик чора-тадбирлар самарасиз яқун топади.

Мисол учун, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ҳуқуқий тарғиботчининг шахси, яъни унинг назарий-ҳуқуқий билими, фикрлаш доираси, хулқ-атвори, амалий тажрибаси, ҳозиржавоблиги, керак бўлса нотиклик санъати, жамоада, оилада, маҳаллада тутган ўрни ва обрўси, ўз навбатида, маънавияти муҳим ўрин тутди. Қачонки, тарғиботчи шу каби

фазилатларга эга бўлсагина атрофдагиларнинг қизиқишини, хоҳишини кучайтириши, рағбатлантириши мумкин, кишилар онгига ниманидир сингдиришга эришади¹. Зотан, ҳуқуқий тарғиботнинг самараси тарғиботчининг кишиларни мисол ва далиллар билан ишонтириши ва уларни ўз ортидан эргаштира олишида, акс ҳолда улар тарғиботчига ҳам, унинг сўзларига ҳам бефарқ бўладилар. Натижада, тарғибот, фақатгина «хўжакўрсинга» амалга оширилган бўлиб қолади.

Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасида «ишонтириш усулининг устуворлиги» ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг махсус принципларидан бири тариқасида эътироф этилган.

Агарда ишонтириш бошқарув усули сифатида қаралса, унда бошқарув субъектининг бошқарилувчилар онги ва иродасига, кишиларнинг хулқига ахлоқий, психологик, моддий таъсир кўрсатишини билдиради.

Ишонтириш – таъсир кўрсатишнинг шундай усулидирки, у ақл ва ҳис-туйғуларга биргаликда таъсир кўрсатади, нотўғри қарашлар ва муносабатларни ўзгартиради, фанга ёки жамиятнинг ахлоқий талабларига мос келувчи янги қарашлар ва муносабатларни шакллантиради.

Ишонтириш – тарбия ва тушунтириш, намунали хулқни рағбатлантириш ва ижобий намуналарни кўрсатиш, шунингдек огоҳлантириш-олдини олувчи ҳаракатлар, маълум қилиш, ташвиқот-тарғибот, ундаш ва шу каби шаклларда ҳам амалга оширилади. Шу билан бирга, ишонтириш усули ўқитиш, ташвиқот, тарғибот, тушунтириш ишлари, танқид, ҳуқуқбузарлик ёки ғайриижтимоий хулқ-атворни муҳокама қилиш, тажриба алмашиш каби воситалар (чоралар) орқали амалга оширилади.

Қуйидагилар ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ишонтириш усули вазифалари ҳисобланади:

¹ Юлдашев М.Ш. Қонунчилик тарғиботи ва маънавият // POSTDA. – 2015. – 1 январь. – №1. – 12-б.

– профилактик мазмунга эга тўғри, аниқ ва фактик маълумотларни энг мақбул шаклларда етказиш асосида аҳолининг профилактика субъектларига ва улар етказаетган хабарларга ишончини уйғотиш;

– аҳолида ҳуқуқбузарлик учун жазонинг муқаррарлигини ҳис қилдириш ва шу орқали уларнинг онгли равишда ўз ўзини ҳуқуқбузарлик содир этишдан тийилишини таъминлаш;

– аҳолида виктимлик ҳолатлар ҳуқуқбузарликдан жабрланишни тақозо этишини ҳис қилдириш ва шу орқали ҳуқуқбузарликдан жабрланиб қолишдан сақланишини таъминлаш;

– ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни аввало ўзига, қолаверса, ижтимоий фойдали инсон бўлишнинг устуворлигига ишонтириш.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ишонтириш усули қуйидаги имкониятларни беради:

– шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атвор, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллик ҳамда ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражасини англаб етиш;

– аҳоли томонидан жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларнинг реал хавфини тасаввур қилиш;

– ҳуқуқбузарликдан жабрланувчининг жисмоний ва психологик хавфсизлигини таъминлаш.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ишонтириш усулини қўллашда қуйидагилар талаб этилади:

– ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектида аввало, ўзига нисбатан ишончининг бўлиши;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектининг дунёқараши кенг, етарлича ҳуқуқий билим ва ҳаётий тажрибага эга бўлиши;

– аҳолига етказилаётган профилактик мазмунга эга фактик маълумотларнинг барча учун тушунарли, тўғри, аниқ ҳамда

хуқуқбузарликлар профилактикасига оид давлат сиёсати мазмуни ва қонун ҳужжатлари талабларига мос бўлиши;

– профилактик таъсир кўрсатиш объектларининг (шахсларнинг) маънавий-руҳий ва ижтимоий-демографик хусусиятларини инобатга олиш;

– профилактик таъсир кўрсатиш объектларининг (шахсларнинг) ишончини суиистеъмол қилмаслик ва бошқ;

Демак, *ишонтириш усули* – хуқуқбузарликлар профилактикасининг профилактик таъсир кўрсатиш объектларида (шахсларнида) хуқуқбузарлик учун жазонинг муқаррарлигини ҳамда виктимлик ҳолатлар хуқуқбузарликдан жабрланишни тақозо этишини ҳис қилдириш, шунингдек уларнинг онгли равишда ўз ўзини хуқуқбузарлик содир этишдан тийилиши ва хуқуқбузарликдан жабрланиб қолишдан сақланишини таъминлашга эришиш йўлидир.

5-§. Хуқуқбузарликлар профилактикасининг рағбатлантириш усулининг тушунчаси, мазмуни ва қўлланилиши

Юридик адабиётларда, рағбатлантириш усули тушунчасига нисбатан ҳам турлича ёндашувлар мавжуд, баъзи адабиётларда рағбатлантириш ижтимоий ундаш методининг бир тури сифатида қайд этилади. Ю.С. Пулатов, И.У. Исмаилов, А. Қурбоновларнинг фикрича, рағбатлантириш деганда, шахс ўз ишида ёки ижтимоий бурчини бажаришида эришган муваффақиятлари учун унинг хизматларини оммавий равишда эътироф этиш, мукофотлаш, жамоада шарафлаш кабилар тушунилади¹. Бироқ мазкур таъриф ҳам рағбатлантиришнинг ижтимоий-хуқуқий мазмунини тўлиқроқ очиқ беролмаган. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «рағбат» тушунчасига, «инсон ҳис-туйғулари, руҳий ҳолатларини ривожлантирувчи, уни фаолликка ундовчи руҳий (психик) таъсир» мазмунида изоҳ берилган.

¹ Пулатов Ю.С., Исмаилов И.У., Қурбонов А. Ички ишлар органларида бошқарув асослари: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. – 323 б.

«Рағбатлантириш» усули асосан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасида қўлланилади, бироқ умумий профилактика ҳам бундан мустасно эмас. Умумий профилактикани амалга оширишда рағбатлантириш усули асосан ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг субъектларига нисбатан қўлланилишини кузатиш мумкин. Мақсад – ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда субъектлар фаоллигини ошириш.

Буни бевосита республика миқёсида ўтказиладиган «Намунали милиция таянч пункти» кўрик танлови ҳамда ушбу кўрик танловда профилактика инспекторлари ва жамоат тузулмалари аъзоларини рағбатлантириш чора-тадбирларида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 300-моддасига кўра тегишли корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарини ва жамоасини жиноятнинг олдини олиш ёки уни фож этишда фуқаро юксак онглилик, жасорат кўрсатгани, ижтимоий бурчини намунали бажарганлиги тўғрисида хабардор қилиш мақсадида суриштирувчи, терговчи ва прокурор – тақдимнома, суднинг эса ажрим чиқариши каби чора-тадбирларнинг мазмунида кўриш мумкин.

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 21-моддасига кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролар ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этувчи субъект ҳисобланади. Мазкур субъектларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашдаги фаоллигини янада ошириш ҳамда бу борада қўшаётган ҳиссалари учун муносиб тақдирлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 январда қабул қилинган 15-сон қарор билан тасдиқланган «Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низом» талаблари асосида амалга оширилади.

Низомда, Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини рағбатлантириш асослари, турлари ва тартиби ўз ифодасини топган.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасининг «рағбатлантириш» усули айрим профилактик ҳисобда турган шахсларнинг ахлоқан тузалаётган ва ўзида ижтимоий ижобий хулқ-атвори шакллантира бошлаганларини эътироф этиш ҳамда шу муносабат билан имтиёз ёки имкониятлар бериш ёхуд фуқароларни ҳуқуқбузарликдан жабрланишдан ҳимояланиш усул ва воситаларини тўлиқ ўзлаштириш ва улардан самарали фойдаланишга қизиқтириш, ундаш кабилардан иборат.

Рағбатлантириш профилактик таъсирнинг муҳим усулларидан бўлиб, шахснинг ижобий қарашларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Рағбатлантириш моддий, маънавий ёки ҳуқуқий бўлиши мумкин. Якка тартибдаги профилактикада рағбатлантиришни қўллашдан кўзланган асосий мақсад, профилактика қилинаётган шахснинг ижтимоий муҳит билан муносабатини тўғри йўлга қўйиш ва уни жиноий ниятлардан қайтаришдан иборат.

Ушбу усулнинг қўлланилиши қуйидагиларда намоён бўлади:

1) шахснинг муддатидан олдин тўлиқ тузалганлигидан далолат берувчи аломатлар мавжудлигида муддатидан илгари профилактик ҳисобдан чиқариш;

2) шахснинг муддатидан олдин тўлиқ тузалганлигидан далолат берувчи аломатлар мавжудлигида муддатидан илгари маъмурий назоратни ечиш тўғрисида судга тақдимнома киритиш;

3) жиноят содир этган шахснинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келиниб, шартли ҳукм қўллаш;

4) озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган маҳкумларни ўрнатилган тартиб-қоидалар талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол

муносабатда бўлганлиги учун жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш;

5) ўрнатилган тартиб-қоидалар талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлиги учун озодликдан маҳрум этилган ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган маҳкумларга нисбатан жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш;

б) муайян муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан ёки ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахс меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиб, намунали хулқ-атвори билан ўзини кўрсатган тақдирда, шунингдек белгиланган муддатнинг камида ярми ўталган бўлса, унга жазо қўллаган маъмурий ишлар бўйича судья томонидан корхона, муассаса ва ташкилот маъмурияти илтимоси билан муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш муддатини қисқартириш;

7) ҳуқуқбузарликдан жабрланишдан ҳимояланиш усул ва воситаларини тўлиқ ўзлаштирган ва улардан самарали фойдаланган шахсларнинг ютуқларини жамоа олдида эътироф этиш;

8) ҳуқуқбузарликдан жабрланишдан ҳимояланиш усул ва воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда оммалаштиришда фаол иштирок этган шахсларни моддий ёки маънавий жиҳатдан рағбатлантириш.

Бундан ташқари, рағбатлантириш усулининг мазмуни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Жиноят ва Жиноят-ижроия кодекслари нормаларида ҳам кўплаб учрайди. Зотан, ҳуқуқбузарлик (маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят)нинг олдини олиш ушбу қонун ҳужжатларининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Буни қуйидаги мисолларда кўриш мумкин:

1. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси бўйича:

қонуннинг 31-моддасига кўра, айбдорнинг ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиши, шунингдек ҳуқуқбузарликнинг зарарли оқибатлари олдини олиши, етказилган зиённи ихтиёрий равишда тўлаши ёки

келтирилган зарарни бартараф қилиши маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида қаралади.

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси бўйича:

1) қонуннинг 55-моддасига кўра, айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш, етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топилади;

2) қонуннинг 66 ва 71-моддаларига кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса, жавобгарликдан ва жазодан озод қилиниши мумкин;

3) қонуннинг 73-моддасига кўра, озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилиниб, жазони ўташ даврида ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилиши мумкин. Шахс ижро этилмаган қўшимча жазодан ҳам озод қилиниши мумкин;

4) қонуннинг 74-моддасига кўра, озодликдан маҳрум этилган ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилиниб, жазони ўташ даврида ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатан суд жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириши мумкин.

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси бўйича:

1) қонуннинг 61-моддасига кўра, маҳкумларни сақлаш шароити рағбатлантириш тарзида муассаса бошлиғининг қарорига биноан ёки суд томонидан енгиллаштирилиши мумкин;

2) қонуннинг 75-модда 3-қисмига кўра, маҳкумлар енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказилганда, меҳнат нормаси ва меҳнат вазифаларини

базарганда, шунингдек байрам кунлари рағбатлантириш тарзида, маҳкумларга энг кам иш ҳақи белгиланган миқдорининг ўн фоизигача бўлган миқдорда қўшимча пул сарфлашга рухсат этилади;

3) қонуннинг 102-моддасига кўра, яхши хулқ-атвори, меҳнатга ва таълимга виждонан муносабати, тарбиявий тадбирларни ўтказишда фаол иштироки учун озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ўтаётган маҳкумларга рағбатлантириш чораларидан бири сифатида енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказиш қўлланилиши мумкин;

4) қонуннинг 103-моддасига кўра, маҳкумга сақлаш шароитини ўзгартириш билан боғлиқ бўлмаган рағбатлантириш чоралари қўлланилади. Бунда, ташаккур тариқасидаги рағбатлантириш оғзаки ёки ёзма, бошқа рағбатлантириш чоралари эса, ёзма равишда қўлланилади. Маҳкумга рағбатлантириш тарзида йил мобайнида кўпи билан иккита посылка, йўқлов ёки бандерол олишга, икки марта учрашувга рухсат берилиши мумкин. Рағбатлантириш тарзида маҳкумдан илгари қўлланилган битта интизомий жазо муддатидан олдин олиб ташланиши ҳам мумкин.

5) қонуннинг 104-моддасига кўра, маҳкумга сақлаш шароитини ўзгартириш билан боғлиқ рағбатлантириш чоралари қўлланилади. Бунда, енгиллаштирилган сақлаш шароитларига интизомий жазоси йўқ маҳкумлар:

қасддан содир этилган унча оғир бўлмаган жиноят учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида олти ойини ўтаганидан кейин;

содир этилган оғир жиноят учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида чорак қисмини ўтаганидан кейин;

содир этилган ўта оғир жиноят учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаганидан кейин ўтказилади.

Маҳкумлар турмадан жазони ижро этиш колониясига ва махсус тартибли колониядан қаттиқ тартибли колонияга суд тайинлаган жазо муддатининг камида ярмини ўтаганларидан кейин Жиноят-процессуал кодексининг

537-моддасида назарда тутилган тартибда ўтказилади.

Маҳкумлар қаттиқ ва умумий тартибли колониядан манзил-колонияга Жиноят-ижроия кодекснинг 113-модда биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ўтказилади.

Қуйидагилар ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг рағбатлантириш усули вазифалари ҳисобланади:

– жазони ўтаётган маҳкум, шартли ҳукм қилинган, профилактик ҳисобга ёки маъмурий назоратга олинган шахснинг ахлоқан тузалаётганлиги, қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этаётганлиги ва меҳнатга яхши муносабатда бўлаётганлигини муносиб баҳолаш ва тақдирлаш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъектларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни сидқидилдан, виждонан бажариб, бошқаларга ўрнак бўлаётганлигини муносиб баҳолаш, тақдирлаш ҳамда фаоллигини янада ошириш;

– фуқаролар ва жамоат ташкилотлари вакилларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштирокини муносиб баҳолаш, тақдирлаш ҳамда фаоллигини янада ошириш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг рағбатлантириш усулини унга муносиб шахсларга қўллаш орқали бошқаларни ҳам фаоллаштириш.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг рағбатлантириш усули қуйидаги имкониятларни беради:

– жазони ўтаётган маҳкум, шартли ҳукм қилинган, профилактик ҳисобга ёки маъмурий назоратга олинган шахснинг қонунчиликка ҳурмати, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишга оид давлат сиёсатига ишончи ортади;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъектларда бурчга садоқат, ватанпарварлик, ҳалоллик каби туйғулар мустаҳкамланади;

– фуқаролар ва жамоат ташкилотлари вакилларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаоллиги янада ошади;

– муносиб шахсларнинг рағбатлантирилиши бошқаларни ҳам фаолликка ундайди.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг рағбатлантириш усулини қўллашда қуйидагилар талаб этилади:

– рағбатлантириш усулини қонун ҳужжатларида белгиланган асос ва тартибда қўллаш;

– рағбатлантириш усулини унга муносиб шахсларга нисбатан қўллаш;

– рағбатлантирилаётган шахснинг ҳаракатлари ва муносабатини муносиб баҳолаш, рағбатлантириш тури ва миқдорини тўғри танлаш;

– рағбатлантириш ваколатини суиистеъмол қилмаслик ва бошқ.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, *рағбатлантириш усули* – бу, айрим профилактик ҳисобда турган шахсларнинг ахлоқан тузалаётган ва ўзида ижтимоий ижобий хулқ-атвори шакллантира бошлаганликларини эътироф этиш ҳамда шу муносабат билан уларга имтиёз ёки имкониятлар бериш ёхуд фуқароларни ҳуқуқбузарликдан жабрланишдан ҳимояланиш усул ва воситаларини тўлиқ ўзлаштириш ва улардан самарали фойдаланишга қизиқтириш, ундаш, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фаол иштирок этган субъектларни мукофотлаш орқали уларнинг фаоллигини янада ошириш ва бу борада қўшаётган ҳиссасини муносиб тақдирлаш йўлидир.

6-§. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг мажбурлаш усулининг тушунчаси, мазмуни ва қўлланилиши

Кишилар онги ва иродасига таъсир этишнинг универсал усулларида яна бири «мажбурлаш» усулидир. Ушбу усул ишонтириш усулидан мазмун, шакл, қўллаш асослари ва тартиби жиҳатдан фарқланади. Қолаверса,

ишонтириш усулидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг барча субъектлари фойдаланиши мумкин бўлса, мажбурлаш усулини эса фақат махсус ваколатга эга шахсларгина қўллаши мумкин.

Ҳуқуқий адабиётларда мажбурлаш усулининг хусусиятлари, тур (усул)лари, қўллаш асослари ва тартибига кўпроқ эътибор берилган. Аммо унинг аниқ таърифини кузатиш қийин. Д.С. Мухамадалиев, «мажбурлаш методи, яъни ижрочиларнинг талаб даражасидаги иш (хизмат) фаолиятини мажбурий таъминловчи турли усуллар мажмуини қўллаш, раҳбарлар фаолиятининг ёрдамчи методларидан бири» деб ҳисоблайди¹. Унинг фикрича, мажбурлаш методи ижрочилар талаб даражасида ҳаракат қилмаганда, тегишли бошқарув қарорларида ифодаланган талаблардан бош тортганларида қўлланилади.

Мажбурлаш усули интизомий, моддий, маъмурий ёки жиноий жавобгарлик чоралари сифатида намоён бўлади. Мажбурлаш усули муайян шахснинг ҳуқуққа хилоф ҳатти-ҳаракати учун таъсир чорасини қўллашни назарда тутиши ёки айрим ҳолларда ҳуқуқий-тартибот, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган бўлиши мумкин. Бироқ Р.Жаббарбергенов, мажбурлаш усулидан фойдаланишда, асосий эътиборни жазонинг қонун ҳужжатларида мустаҳкамланишигагина эмас, балки унинг профилактик функциясини амалга ошириш нуқтаи назаридан қўлланишига ҳам қаратиш лозим², деб ҳисоблайди.

«Мажбурлаш» усули ҳам, рағбатлантириш усули сингари, одатда, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси субъектларига нисбатан қўлланади. Унинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси объектларига нисбатан қўлланилиши эса ўз-ўзидан профилактиканинг яқка тартибдаги турига айланиб кетади. Шу боис мажбурлаш усули асосан ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикасида қўлланади.

¹ Мухамадалиев Д.С. Ички ишлар идораларининг бошқарув фаолияти. 1-қисм: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 45-б.

² Жаббарбергенов Р. Жазонинг профилактик функцияси ва уни амалга ошириш механизми: юрид. фан. ном. ... дис. автореф. — Т., 2004. — Б. 11.

Мазкур усулнинг умумий профилактикада қўлланилишини амалдаги ЖПК ва МЖТКнинг нормалари талаблари асосида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органларининг ваколатли ходимлари томонидан ҳуқуқбузарликнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисида давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоа ёки мансабдор шахсга тақдимнома ёки суд томонида хусусий ажрим киритилишида кузатиш мумкин.

Бундан ташқари, умумий профилактиканинг амалга оширилишини таъминлашга йўналтирилган, барча фуқароларни жиноятларни очиш ва айбдорларни фош этишга ундайдиган амалдаги Жиноят кодексининг 241-моддасида жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яширганлик учун жиноий жавобгарликнинг белгиланганлигини ҳам бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Ушбу норма билан барча жисмоний шахслар зиммасига тайёргарлик кўриляётган ёки содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноят ҳақида хабар бериш, шунингдек олдиндан ваъда берилмаган бўлса-да, оғир ёки ўта оғир жиноятларни яширмаслик мажбурияти юклатилади. Акс ҳолда бу каби қилмишлар (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жиноят деб баҳоланади.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасида ғайри-ижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ахлоқан тузатиш, жамиятда ўрнатилган қонун-қоидаларга мажбуран риоя қилдириш мақсадида «мажбурлаш» усули ҳам қўлланилиши мумкин. Ушбу усулнинг қўлланилиши қуйидагиларда кўринади:

– жазони ижро этиш муассасасидан жазо ўтаб қайтган маъмурий назорат қонуни таъсири остига тушувчи шахсни ахлоқан тузалиш йўлига ўтмасдан, ҳуқуқбузарлик содир этган ва жамиятга зид турмуш тарзини давом эттирган ҳолларда маъмурий назоратга олиш;

– маъмурий назорат остида бўла туриб, белгиланган муддатда тузалиш йўлига ўтмаган, жамоат тартибини бузаётган, фуқароларнинг қонуний

манфаатларига путур етказаётган ёки ўзига нисбатан қўлланилаётган чеклашларга риоя этмаётган шахсларга нисбатан маъмурий назорат муддатини узайтириш;

– жамоат тартибини, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузаётган ёхуд аҳолининг осойишталиги, саломатлиги ва маънавиятига хавф туғдираётган сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки захарвандликка мубтало бўлган беморларга нисбатан мажбурий даволашга юбориш чорасини қўллаш;

– бошқа таъсир чоралари қўлланиб бўлинганидан кейин маъмурий ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш, башарти баённома тузиш зарур бўлиб, уни ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида тузиш имкони бўлмаган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш, ишларнинг ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқилишини таъминлаш ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорни ижро этиш мақсадида шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туриш;

– ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш;

– муайян муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан ёки ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш;

– маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорнинг мулкий зарарни ундириб олиш хусусидаги қисмини мажбурий ижро этиш ва бошқалар.

Юқорида келтириб ўтилганларнинг айримларида мажбурлаш усули ҳуқуқбузарликнинг якка тартибдаги профилактикасининг бошланғич чораси тариқасида намоён бўлса, баъзиларида ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактик чора-тадбирлари ўз самарасини бермагач, қўлланиладиган охирги чора сифатида қаралади.

Мажбурлаш усули ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини амалга оширишда ҳам қўлланилиши мумкин. Ушбу усул:

1) ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариш ва йўловчиларни ташишда хавфсизлик камаридан, шунингдек мотоцикл ҳайдов-

чиларнинг мотошлемлардан фойдаланиш қоидаларига риоя этмаслиги (МЖТКнинг 125-моддаси 1-қисми);

2) транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларнинг телефондан фойдаланиши (МЖТКнинг 128¹-моддаси);

3) транспорт воситасини бошқариш пайтида монитордан (дисплейдан) теле, видеодастурларни томоша қилиш учун фойдаланиш ва транспорт воситасига ўзбошимчалик билан монитор (дисплей) ўрнатиш (МЖТКнинг 128²-моддаси);

4) транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш (МЖТКнинг 131-моддаси);

5) пиёдалар ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши (МЖТКнинг 183-моддаси);

6) ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш (МЖТКнинг 211-моддаси) каби ҳолатларда қўлланилиши мумкин.

Юқорида келтириб ўтилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар турлари бўйича, гарчи шахс ҳуқуқбузар сифатида эътироф этилса-да, мажбурлов чораси сифатида санкцияни қўллаш белгиланган тартиб-қоида бузиш оқибатида шахснинг нафақат давлат, жамият ва фуқароларнинг манфаатига путур етказмаслиги, балки ўз хавфсизлигини таъминлаш мақсади ҳам ётади. Масалан, ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариш ва йўловчиларни ташишда хавфсизлик камаридан фойдаланиши, шунингдек мотоцикл ҳайдовчиларининг мотошлемлардан фойдаланишига доир қоидалар айнан ҳайдовчиларнинг ҳаёти ва соғлигини таъминлашга йўналтирилган.

Қуйидагилар ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг мажбурлаш усули вазифалари ҳисобланади:

– ахлоқан тузалаётганлиги, қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этаётганлиги ва меҳнатга яхши муносабатда бўлаётган жазони ўтаётган

маҳкум, шартли ҳукм қилинган, профилактик ҳисобга ёки маъмурий назоратга олинган шахсларни аниқлаш ва уларнинг шахсини ўрганиш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир фаолият статистикасини таҳлил қилиш асосида зиммасига юклатилган вазифани ўз вақтида ва етарлича бажармаётган, бириктирилган ҳудудида жиноятчилик сурати кескин ошган профилактика субъектларини аниқлаш ва уларнинг фаолиятини яқиндан ўрганиш;

– жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларни бартараф этиш бўйича мажбурлаш чораларини ишлаб чиқиш;

– шахсда жазога нисбатан ҳадик ва кўрқув ҳиссини уйғотиш орқали уларнинг қонун талабларини бажармасликдан тийилишига эришиш ва бошқалар.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг мажбурлаш усули қуйидаги имкониятларни беради:

– ушбу усул қўлланилган шахсда қилмиши учун пушаймонлик ҳиссини уйғотиш ва унинг ижтимоий мақбул йўлни танлаш;

– мазкур усул қўлланилганига гувоҳ бўлган шахсларнинг ўзига тегишли хулоса чиқаришига эришиш;

– жамият аъзоларига салбий таъсир кўрсатувчи ёки ижтимоий хавфли бўлган шахсларни жамиятдан ажратиб қуйиш.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг мажбурлаш усулини қўллашда қуйидагилар талаб этилади:

– мажбурлаш усулини қўллашда қонун ҳужжатларига қатъий риоя этиш;

– мажбурлаш усулини қўллашдан аввал тушунтириш, ишонтириш ва огоҳлантириш усулларини самарали қўллаш;

– мажбурлаш чораларини енгилдан оғирига қараб қўллаш;

– мажбурлаш усулини қўллашда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий принциплари талабларига амал қилиш;

– мажбурлаш чоралари тизимини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш ва бошқ.

Демак, *мажбурлаш усули* – бу, ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ахлоқан тузатиш, жамиятда ўрнатилган қонун-қоидаларга риоя этишга, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларини ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга ундаш йўлидир.

**(ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ БЕВОСИТА АМАЛГА ОШИРУВЧИ
ОРГАН ЁКИ МУАССАСА НОМИ)**

РАСМИЙ ОГОҲЛАНТИРИШ

0000001

(серияси)

Фукаро _____ !

(расмий огоҳлантирилган шахснинг Ф.И.О. кўрсатилади)

**«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг
31-моддасига мувофиқ:**

Сизга _____

(йўл қўйилган заиривостимой ҳуқ-автор байн қилинади)

_____ келгусида давом эттиришига йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида тушунтираман.

Сизни _____

(содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган ҳуқуқбузарлик байн этилади)

_____ **учун**

_____ **нинг** _____ **-моддасига асосан**

(қонун (кодекс) номи)

(модда рақами)

_____ **шаклидаги жазо қўлланган ҳолда**

(қонунчилида назарда тутилган жавобгарлик чоралари (санқиялар) кўрсатилади)

_____ **жавобгарлик ҳақида огоҳлантираман.**

(жавобгарлик тури кўрсатилади)

_____ **Расмий огоҳлантириш чикарган мансабдор шахснинг лавозими ва Ф.И.О.** _____ **(илмо)**

(расмий огоҳлантириш чикарган мансабдор шахснинг лавозими ва Ф.И.О.)

(илмо)

Расмий огоҳлантириш эълон қилинган сана: 20__ й. «__» _____

(кун)

(ой)

**(ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ БЕВОСИТА АМАЛГА ОШИРУВЧИ
ОРГАН ЁКИ МУАССАСА НОМИ)**

РАСМИЙ ОГОҲЛАНТИРИШ

0000001

(серияси)

Мен, _____ **, томонимдан**

(расмий огоҳлантириш чикарган мансабдор шахснинг лавозими ва Ф.И.О.)

Фукаро _____ **га,**

(расмий огоҳлантирилган шахснинг Ф.И.О. кўрсатилади)

_____ **йил «__» _____ да _____ да**

(кун)

(ой)

(тутилган жойи)

туғилган, _____ **манзилида яшайди,**

шахснини тасдиқловчи ҳужжат _____ томонидан берилган,

(серияси) (рақами) (ким ва қачон)

ниш (ўқниш) жойи _____

келгусида _____

(йўл қўйилган заиривостимой ҳуқ-автор байн қилинади)

_____ **давом эттиришига йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида тушунтириш берилди,**

(содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган ҳуқуқбузарлик байн этилади)

_____ **учун**

_____ **-моддасига асосан**

(қонун (кодекс) номи)

(модда рақами)

_____ **шаклидаги жазо қўлланган ҳолда**

(қонунчилида назарда тутилган жавобгарлик чоралари (санқиялар) кўрсатилади)

_____ **жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилди.**

(расмий огоҳлантирилган шахснинг Ф.И.О. ва илмоси)

Расмий огоҳлантириш эълон қилинган сана 20__ й. «__» _____

(кун)

(ой)

(мансабдор шахснинг Ф.И.О.)

(илмо)

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Алимов Ҳ.Р., Махмудов А.А., Исмоилов Н.Т. Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик / Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. У. Таджиханов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2002. – 87 б.

Жаббарбергенов Р. Жазонинг профилактик функцияси ва уни амалга ошириш механизми: юрид. фан. ном. ... дис. автореф. — Т., 2004. — Б. 11.

Зарипов З.С., Кержнер М.Ю. Профилактика преступлений. – Т., 1993. – С. 26–27.

Ички ишлар органлари профилактика хизматининг фаолияти: Дарслик / И.Исмаилов, М.З.Зиёдуллаев, Ж.С.Мухторов ва бошқ. Масъул муҳаррир Ш.Т.Икрамов. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 743.

Каныгин В.И. Проблемы комплексного анализа и предупреждения преступности в регионе (по материалам Приволжского федерального округа): Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Нижний Новгород, 2002. – 8 с.

Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова, И.Ю.Фазилов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 193 б.

Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик / Н.Т. Исмоилов, Ў.Х. Мухамедов, А.С. Турсунов ва бошқ.; Ш. Т. Икрамов ва И.А. Хамедов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 154 б.

Мухамадалиев Д.С. Ички ишлар идораларининг бошқарув фаолияти. 1-қисм: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 45-б.

Одилқориев Х.Т., Тультеев И.Т. ва бошқ. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Тошкент: «Шарқ». 2009. – 308-б.

Пулатов Ю. С., Исмаилов И. У., Қурбонов А. Ички ишлар органларида бошқарув асослари: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий

таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. – 73 б.

Сальников В.П., Федоров В.П. Убеждение и принуждение в деятельности органов внутренних дел. Монография. – Л., 1989.

Таджиханов У., Ахмедова С. Ички ишлар органларида бошқарувни ташкил этиш асослари: Дарслик. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2001. – 97 б.

Тураев Б.О. Фалсафа. Дарслик. М.А. Ахмедованинг умумий муҳаррирлиги остида: олий ўқув юртлири учун дарслик / Т., 2005. – Б. 196.

Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.ИV. Тартибот–Шукр / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (рахбар) ва бошқ. Ўз. Рес. ФА Тил ва адабиёт ин-ти. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. – 608 б.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори // URL: <http://www.lex.uz>.

Юлдашев М.Ш. Қонунчилик тарғиботи ва маънавият // POSTDA. – 2015. – 1 янв. – №1. – 12-б.

ProActive – халқ қабулхоналарининг янгича шакли / Kun.uz. 21.02.2018. 7398.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ.....	3
I БОБ. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ШАКЛЛАРИ	
1-§. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг шакли тушунчаси ва турлари.....	6
2-§. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ёзма шакли тушунчаси, мазмуни ва қўлланилиши.....	10
3-§. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг оғзаки шакли тушунчаси, мазмуни ва қўлланилиши.....	12
4-§. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг кўргазмали шакли тушунчаси, мазмуни ва қўлланилиши.....	15
5-§. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг электрон шакли тушунчаси, мазмуни ва қўлланилиши.....	18
6-§. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг аралаш шакли тушунчаси, мазмуни ва қўлланилиши.....	22
7-§. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг назорат шакли тушунчаси, мазмуни ва қўлланилиши.....	24
8-§. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг қўриқлаш шакли тушунчаси, мазмуни ва қўлланилиши.....	44
9-§. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг қутқарув шакли тушунчаси, мазмуни ва қўлланилиши.....	55
10-§. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг белгили шакли тушунчаси, мазмуни ва қўлланилиши.....	58
II БОБ. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ УСУЛЛАРИ	
1-§. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг усули тушунчаси ва турлари.....	65
2-§. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тушунтириш усули тушунчаси, мазмуни ва қўлланилиши.....	68
3-§. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг огоҳлантириш усули тушунчаси, мазмуни ва қўлланилиши.....	71
4-§. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ишонтириш усули тушунчаси, мазмуни ва қўлланилиши.....	77
5-§. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг рағбатлантириш усули тушунчаси, мазмуни ва қўлланилиши.....	80
6-§. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг мажбурлаш усули тушунчаси, мазмуни ва қўлланилиши.....	87
ИЛОВА.....	94
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	95

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Сиёвуш Бахтиёрович ХЎЖАҚУЛОВ

**ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР
ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ШАКЛ
ВА УСУЛЛАРИ**

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Мухаррир *Б. Қ. Эргашев*

Босишга рухсат этилди ____ . ____ . 2020. Нашриёт ҳисоб табағи 6,0.
Адади _____ нусха. Буюртма № ____ . Баҳоси шартнома асосида

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
100197, Тошкент шаҳри Интизор кўчаси, 68.